Оила ва жамият

6 сон
7 – 13 феврал 2001 йил

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ - ЭЛ-ЮРТ ИҚБОЛИ

Ҳаракат... ёш оилаларга ёрдам беришни ўзининг асосий бурчи деб билиши, шу мақсадда «Ёш оила» дастурини ишлаб чиқиш масаласига алоҳида аҳамият қаратиши зарур.

...Ҳаракат эндигина турмуш қурган ёш оилаларга маълум бир имтиёзлар берилиши, айтайлик, уларга кейин бўлиб-бўлиб қайтариш шарти билан имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳақида ўз таклифларини илгари суриши ва уларни амалга оширишда ҳаракат қилиши ўринли деб биламан. Ишончим комилки, бу ёш оилаларга моддий ёрдамгина бўлиб қолмай, айни пайтда уларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилиши муқаррар.

Президентимиз Ислом КАРИМОВнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи йиғилишида сўзлаган нутқидан.

Пойтахтимизнинг Миробод туманида истиқомат қилувчи оила соҳиблари ёш олим, кимё фанлари номзоди, Тошкент Давлат Техника университети қошидаги Республика лицей-интернатининг директор ўринбосари Алишер МЕНГЛИЕВ ва унинг турмуш ўртоғи Замира СУЮНОВА билан суҳбатимиз юртимиздаги ёш оилалар ва уларнинг муаммолари хусусида бўлди.

- Турмуш қурганимизга ўн йилдан ошди. Қанчадан-қанча яхши-ёмон кунларни бошдан кечирдик. Рафиқам билан курсдошмиз. Иккимизнинг бир соҳани эгаллаганимиз, дунёқарашимизнинг ўхшашлиги ҳаётда учраган қийинчиликларни сабот билан енгишимизда қўл келди. Иккимиз ҳам билимга чанқоқлигимиз боис, университетни тугатиб яна изланишга аҳд қилдик.

Замира Суюнова Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг кимё факультетида аспирантурада таҳсил олади.

- Фарзандлар тарбияси, рўзғорнинг юмушларидан ортиб, илм билан шуғулланишнинг ўзи бўлмайди. Бунинг устига ҳар бир ёш оилада қийинчиликлар учраши табиий. Сизларда ҳам шундай ҳолатлар бўлганми? - сўрайман Замира опадан.

- Серфарзанд оилада ўсганим боис кўпчиликни хуш кўраман. Келин бўлиб тушган хонадонимда ҳам ўн фарзанд вояга етган. Бир йил қишлоқда қайнонамнинг хизматларини қилдим. "Қилганинг менга фойда, ўрганганинг ўзингга",- дея қайнонам ҳамма рўзғор юмушларини ўргатдилар. Онамнинг доно маслаҳатлари, қайнонамнинг оқилалиги туфайли турмуш ўртоғимиз билан "сиз" оғзимиз "сен"га боргани йўқ.

- Касбингиз тақозоси билан кўп вақтингиз ёшлар орасида ўтади. Оилада 2 ўғил 1 қизга ота, ўқув масканида эса қанчалаб ёшларга мураббийсиз. Сизнингча, давримиз ёшлари қандай бўлиши керак? - сўрайман оила бошлиғи Алишер акадан.

- Бугунги кун ёшларининг билим олишлари, ўқиб ўрганишлари учун жуда кўп қулайликлар яратилган. Ушбу ўқув масканида ҳозирги кунда 500 дан зиёд ўқувчи таълим-тарбия олади. Уларни чуқур билимга эга бўлишлари учун лицей-интернатда барча шарт-шароитлар яратилган. Ўқувчиларга компьютер асослари, физика, математика, инглиз ва француз тилларидан қўшимча машғулотлар ўтилади. Вилоятдан келиб ўқиётган ўқувчиларга ётоқхона ажратилган. Ўқувчиларимизнинг маънавий ҳордиқ олишлари учун тез-тез қизиқарли кечалар, таниқли адиб ва санъаткорлар билан учрашувлар ташкил қиламиз. Бу даргоҳни битириб кетган ёшлар билан ҳам ҳамкорлигимиз узилмаган. Бугунги кун ёшлари қандай бўлишлари лозим? Ҳозирги кунда давлатимиз ёшларга қатор имтиёзларни яратиб қўйган. Менимча, ҳар бир йигит-қиз илм сарҳадларини чуқур эгаллаб, эл-юрт корига ярайдиган ҳақиқий мутахассис бўлиб етишмоғи лозим.

- Яқинда бўлиб ўтган "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи йиғилишида Президентимиз юртимиздаги ёш оилаларни ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида тўхталиб ўтдилар...

- Турмуш ўртоғим иккимиз юртбошимизнинг нутқларини диққат билан тингладик. "Ёркин келажак, қудратли давлат қуриш айнан бугунги авлоднинг салоҳиятига, унинг интилишларига, ақлидрокига боғлиқ",- деди ўз сўзида Президент. Бу бежиз эмас. Чунки бундай ижтимоий ҳаракатнинг ёшлар ҳаётида алоҳида ўрни бўлиши керак. Ёш оилаларнинг, иқтидорли ёшларнинг қўллаб-қувватланиши ҳаракат аъзоларининг фидоийлик билан фаолият кўрсатишига замин яратади.

- Оналар ва болаларга кўрсатилаётган ғамхўрлик биз ёшларни фан ва техникани чуқур ўзлаштириб, кўпроқ ўз устимизда изланиб ишлашни талаб қилади, - дейди суҳбатимиз якунида Замира опа.

Дарҳақиқат, фарзандларимизни эзгу мақсадлар сари етаклайлик. Кўнглида меҳр уйғотайлик. Оиласига, яқинларига меҳрли бўлган боланинг кўнглида эртага маҳаллага, Ватанга муҳаббат уйғонади. Оиланинг тақдирини ўйлаган бола Ватан равнақи учун ёниб яшайди.

Фарида ТОҲИРОВА
О. НУРМАМАТОВ олган сурат

ТАШАББУСГА ЙЎЛ ВА ИМКОНИЯТ ОЧАДИ

Маълумки, келажаги буюк юртимизнинг ворислари ёшлардир. Авлодлар эстафетасини қабул қилиб олар экан, хўш, улар ушбу масъулиятни теран англаб олишганми?,-деган ҳақли савол туғилади. Тан олиш керакки, шу чоққача мазкур саволнинг жавоби мавҳумроқ бўлиб турганди. Шу кунларда республикамизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатига асос солинганлиги айни муддао бўлди. Самарқандлик ёшлар ҳам ушбу таклиф ва ташаббусни мамнуният билан кутиб олдилар. Келинг, яхшиси уларнинг фикр ва мулоҳазаларини тинглаб кўрайлик:

Дилшода БУРХОНОВА, Самарқанд Кооператив институти талабаси:

- Мамлакатимизда ёшлар катта куч. Уларнинг имконият қўламлари ҳам кенг. Аммо уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштироки, ташаббускорлиги унчалик сезилмай тургандек, чамамда. Айниқса мен тенги талабалар машғулотлардан бўш пайтларини мазмунли ўтказишаяпти, деб бўлмайди. Биргина бизнинг олийгоҳимизни оладиган бўлсак, бу ерда талабалар учун барча қулайликлар, имкониятлар мавжуд. Барча шароитларга эга бўлган спорт зали, майдончалари, кутубхона, турли тадбирлар ўтказиладиган маънавият маркази тўла қувват билан ишлаганини, гавжум бўлганлигини кўрганим йўқ. Ахир "қони қайнаб турган" ёшларимиз мазкур иншоотларни тўлдириб, ҳар хил спорт ўйинлари, мусобақаларини ташкил этсалар, маънавият марказларида бадиий кечалар, учрашувлар, тўгараклар билан ҳамкорликда қувноқлар ва зукколар, "Балли қизлар", турли викториналар, китобхонлар конференциялари, ўйин-кулги кечалари уюштирсалар қандай яраша.

Афсуски шу хил тадбирларни уюштирадиган етакчи куч йўқ эди, десам хато бўлмас. Ишонаманки, яқинда асос солинган ёшлар ҳаракати бунинг уддасидан чиқади ва талабаларни ортидан эргаштира олади.

Мадина АБДИЕВА, Самарқанд шаҳар касб-ҳунар мактаби кутубхоначиси:

- Гапнинг сирасини айтганда ташкил этилаётган янги ташкилотдан умид катта. Бироқ ҳамма гап уларнинг йўлбошчисида. Негаки, ёшларга етакчи бўладиган киши ўта ташкилотчи, ташаббускор, дунёқараши кенг, барчанинг кўнглига бирдай йўл топа оладиган, бошқаларни ортидан эргаштира оладиган бўлмоғи лозим. Ахир ота-боболаримиз азалдан "юз қўшчига бир бошчи" бўлмоғи лозим, дея бекорга айтишмаган.

Бир неча йилки, ушбу таълимгоҳда кутубхоначи бўлиб ишлайман. Касбим тақозосига кўра, талабаларга ўқув дарсликларидан ташқари бадиий адабиётларни ҳам тавсия этаман, тарғиб қиламан. Ҳар йили уч-тўрт маротаба китобхонлар конференцияси уюштираман. Бироқ, афсуски, ушбу қизиқарли ва зарур тадбирларда ёшларнинг иштироки суст. Аксарият ҳолларда дарслардан кейин ўтказиладиган бу анжуманлардан қочишга ҳаракат қилишади. Сабаби, уларни бирлаштириб, уюштириб турадиган куч йўқ эди, назаримда. Ўйлайманки, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ана шу муштарак мақсадларимизнинг руёбга чиқиши учун астойдил жон қуйдирадиган ёшлар ташкилоти бўлиб қолади.

Хайрулла ҲАМРОЕВ

АСР БОШИДАГИ ТИЛАКЛАР

ОТАХОН-ОНАХОНЛАРИМИЗ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛАЙЛИК...

Умр фасллари ичида ҳеч бири болалигу кексалик каби эъзоз, эътибор, меҳр-мурувватга муҳтож эмас.

Ёш авлод истиқболу иқболи ва қарияларга осойишталиги, умр шомида отахонлар, онахонлар ҳар кимларнинг қўлига, кўзига, йўлига қараб сарғаймасликлари учун халқимизнинг энг олижаноб қадриятларини қайта тиклашга Президентимизнинг шахсан ўзлари ташаббускор бўлаётганлари заминида боқий, одил ҳақиқатларга садоқат ётибди.

Болаларга ҳалол ризқу насиба бермоқ, кекса ота-оналарни меҳр-мурувватга зор қилмаслик - азал-азалдан миллатимизнинг айни куч-қувватга тўлган эркаклари, аёллари учун фарзу қарздир. Дунё халқларида фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчини таъкидлаб тургувчи мақол, матал, ҳикояту ривоятлар кўп. Лекин яна қайси бир халқ отасини қуёшга, онасини ойга қиёс қилган экан?!

Ниҳол ўзи илк бора ёриб чиққан уруғини, бўлоқ кўз очган жойини инкор этгани - завол сари кетгани... Инсон-чи?

Аллоҳ ёруғ дунё мўъжизалари ичра яратган комил мўъжизаси - инсон тавалудидай ҳодисада ота ва онани сабабчи қилган экан. Демак, отаю она Тангри таоло ардоқлаган, олий мурувватига мушарраф айлаган зотлар эканлар.

Тилимиздаги энг чиройли сўзлардан бири - фаришталилик ташбеҳи кўпроқ кексаларга нисбатан ишлатилиши бежиз эмас. Бу ҳам халқимизнинг толеи, келажагимизнинг истиқболлилиги белгиси. Чунки баҳорги тошқин сувлар кузга бориб тиниқлашмоғи, баҳорги ғўру нордон мевалар кузакда шираю шарбат боғлаши шубҳасиз. Шунинг каби, кексалари донишманд, меҳрию қаҳри ҳам чин муҳаббатдан туғилгувчи халқнинг келажак авлоди комил бўлишини тарихимиз исботлаб турибди. Фақат... биз уларнинг муқаддас удумлари, олам аҳли ибрат олса арзигулик фазилатларини ҳам эскилик сарқити деб топтаган тузум кўчасидан ўтдик-да...

Ўн йиллар аввалги бир воқеа ҳамон ёдимда: пойтахтнинг Халқлар дўстлиги майдонида болалар билан юргандик. Жуда кекса онахон бизга яқинлаша бошладилар. Бувижон оёқларини гўёки ердан базўр узиб, олдинга ярим қаричлаб силжиб келардилар. Имкон топсангу, шартта кўтариб манзилларига элтиб қўйсанг! Ниҳоят, ёнимизга келиб ўтирдилар. Нафаслари ҳарсилларди. Мен гапни нимадан бошлашни билмасдим, онахон ўзлари ўзларига сўзлагандай ўкиниб:

- Ўғлимни яна кўролмайдиган бўлдим, - дедилар.

- Ўғлингиз қаерда?- деб сўрадим мен.

- Анови "дом"да, - деб тўққиз қаватли уйлардан бирини кўрсатдилар. - Борсам, эшиги қулф, учинчи марта келиб кўролмай кетаяпман.

- Сиз қаерда, ким билан яшайсиз?

- Маҳаллада, бировникида тураман. Ҳужрасини берган, барака топсин, - Бувижоннинг овозлари титради. Бир оз жим қолдилар, сўнг, - ўғлим - расмчи, расмга олади. Ишхонасига борай десам, узоқ...

- Нега ўғлингиз билан яшамайсиз.

Онахон яна сукутда қолдилар. Кейин менинг атрофимда юрган кичкина болаларимдан ҳам хавотир олгандай, ўзимга шивирладилар:

- Келиним хоҳламайди. Ҳатто ўғлим билан кўришишимниям ёқтирмайди. Шунинг учун ишдан келишини кутолмайман. Уйида бормикин, деб келувдим...

Менинг қулоқларим онахонда-ю, хаёлим қувалашиб юрган болаларимда эди. Ахир инсон инсонлигини, элнинг бир бўлаги, келажакка дохиллигини чин маънода ота, она бўлганда англамайдими? Шу фарзандларнинг ташвишларига кўмилиб, дилбандларининг камоли учун фидо бўлган орзуларидан ҳам миннатдорчилик билан дил узмайдими? Онанинг узун тунлар боласи қошида бедор айтган алласи ҳақида кўп гапирамиз. Ахир бундай кечалар волидаи муҳтарама учун саодат дамлари эмасми?

Бедорлик нима экан, керак бўлса бу мунис зот боласига жонини узиб берадику! Ва буларнинг ҳаммаси эвазига жонпарчасидан... Йўқ, йўқ, меҳру мурувват талаб қилишгаям кўнгли бормайди, фақат боласини сўзларга сиғмас илоҳий туйғулар билан яхши кўради, соғинаверади, соғинаверади. Ўз умри сарҳад сари яқинлашиб бораркан, орзу-умидлари осмонида чарақлаб турғувчи офтоби - фарзандига талпинаверади.

- Ўғлингиз яшайдиган уйнинг рақамини биласизми? - деб сўрадим аччиқ хаёллар гирдобидан юлқиниб.

Онахон "йўқ" деган маънода бош чайқадилар. Энди нима деяримни билмай ўтирарканман, онахон икки қўлларига тиралиб ўринларидан зўрға турдилар. Яна бир-бир босиб... Бу юришда кенг майдондан, катта кўчалардан ўтиб қачон маҳаллага, бошпаналарига етиб борадилар - билиб бўлмасди.

Юқоридаги сатрларни гўё меҳрли, раҳмдил қалб эгаси бўлиб ёзаяпман-у... кел, шу сафар ўзимга виждонан жавоб берай: тўқсонга етган онамни интизор этиб, йўлимга муштоқ қилмаяпманми? Онам шубҳасиз ишонадиган баҳонаю сабабларни рўкач қилиб, худбинлигим ботқоғига ботиб қолмадимми?

Сиз-чи, дўстим?

Кўп эшитганмиз - ўша отасига синиқ косада овқат берган ўғилга йиллар ўтиб ўз ўғли ҳам синиқ косада овқат бергани ҳақидаги ҳақиқатни...

Бугун кекса отахону онахонларимизга ёниқ қалбларимиз ила меҳр-муҳаббат тутсак, умримиз шомида ҳам ўзимизга қанчаю диллар муруввати насиб этаркин?..

Ахир, умр дегани кўзингни очиб юмгунча ўтадиган фурсатдек тезкор, ғаниматдек. Бу ҳақда ҳазрати Мир Алишер Навоий каби ким айта олибди?

Хазон сипоҳига, эй боғбон
эмас монеъ,
Бу боғ томида гар
игнадин тикан қилғил.

Ҳа, бугун яшнаб турган умр фасллари-мизнинг чегара томларига агар ниналардан тикан қилсак-да, кексалик сипоҳини улар тўсиб қололмайди. Бугун яшил барглардек гуркираб турган куч-қувватимиз, ақлу шууримиз бу сипоҳи мутлоқ олдида тиз чўкади. Аллоҳнинг бу тақдирига таҳрир йўқ. Фақат ҳамма гап бу фаслнинг армонли паймонага айланмаслигида! Гап халқимизнинг авлодлари ўртасида меҳру оқибат, мурувват, масъулият, инсоф ришталари узулмаслигида! Гап бугун жамиятнинг бир тан, бир жон бўлиб болаларгаю кексаларга ота, она каби жонкашлик қилишида!

Халқимиз тарихда бирон етимни кўчада қолдирибдими? Ёки нуроний отахону онахонларини ёлғиз ташлаб қўйибдими? Бизнинг қадим Турон тупроғи ҳамиша беминнат меҳр-мурувват салтанати бўлган. Қонимизда, руҳимизда бу боқий туйғунинг юлдузлари оқмоқда. Биз муҳим деб билган муҳиму номуҳим ташвишлар уммонидан шу юлдузларни ажратиб олиб, кўнгил пештоқларида яраклатмоқ фурсати келди.

Ҳар куни тонгдан эзгу ниятларни дилга тугмоқ, шукрона билан дастурхон ёзмоқ, саодатга интилмоқ, ҳалол бахту саодатни соғинмоқ ҳаётий, табиий эҳтиёж бўлгани каби, оиламиздаги, қариндош-уруғлар орасидаги, маҳалламиздаги, юртимиздаги кексаларнинг хушнуд дуоларини олмоқ, унга сазовор бўлмоққа интилмоқ ҳар кунги маънавий эҳтиёжимиз бўлсин.

Дунёда ўзбек каби андишали, тортинчоқ, камсуқум, дили бўзлагандаям, юзи кулиб турадиган халқ озми, кўпми? Биз билганлар ичра билмаганларимиз, яъни меҳру мурувватга, оқибатга, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга муҳтож кексалар йўқмикин? Давлатимизнинг, Президентимизнинг кексаларга алоҳида эътибору ғамхўрликлари ана шундай одамлар хонадонига, дилига тезроқ кириб боришимиз учун ибрат эмасми?

Қолаверса, янги асрнинг илк йили юртбошимиз томонидан «Оналар ва болалар йили» деб аталишининг заминида келажак билан боғлиқ эзгуликлар бисёр. Ҳаёт боғларида ширин мева берадиган умид ниҳоли энг аввало меҳр-муҳаббатдан оби ҳаёт ичади. Она ва боланинг бир-бирига муҳаббатидан, садоқатидан ҳаёт саодатлари бошланади.

Келинг, ёруғ дунёнинг ҳою ҳаваслари билан боғлиқ бошқа ишларимиз сал кечикса - кечиксин. Мурувватли қалб билан отахонларимиз, онахонларимиз, юртимиз кексаларининг белларига мадор, кўзларига нур, бошларига посбон, бағирларига ҳарорат, дардларига малҳам бўлмоққа шошилайлик. Зеро, бизнинг умр боғларимизга ҳам кексалик сипоҳи шиддат билан яқинлашмоқда.

Муҳтарама УЛУҒ

МУСТАҲКАМ ВА СОҒЛОМ ОИЛАНИ ШАКЛЛАНТИРАЙЛИК

Маълумки Президентимиз таклифи билан 2001 йил республикамизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинди. Куни кеча матбуотда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Она ва бола" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори эълон қилинди. "Она ва бола" Давлат дастурида аниқ мақсад ва вазифалар белгиланган. Жумладан оила манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган Давлат дастурларига, "Соғлом авлод" дастурига мувофиқ амалга оширилаётган тадбирларнинг амалга оширилиши ҳамда тўлиқ туғланишига эришиш алоҳида белгиланган. Бир вақтда она соғлиғини мустаҳкамлаш ва соғлом бола туғилиши масалаларига эътиборни кучайтириш ҳам лозим деб топилган. Ўз-ўзидан равшанки бундай тадбирларни амалга ошириш учун замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан тегишли даволаш масканларини таъминлаш, кенг қўламда она ва болани парвариш қилиш тизимини яратишни тақозо этади. "Она ва бола" Давлат дастури педагогика ва психологиянинг илғор усулларини қўллаш асосида болаларда қатъий билимларни шакллантириб, мустақил фикрлаш кўникмаларини ҳосил қилишга эришиш шу куннинг вазифасига айланаяпти.

Ота-оналар, таълим муассасалари ва маҳалла ҳамкорлигида фарзандларимиз онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдириб, уларда Ватанга, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топишига эришиш дастурда таъкидланган асосий вазифалардан биридир.

Ушбу дастур ҳар биримизнинг оиламиз олдидаги масъулиятимизни оширади, фарзандларимизга янада эътиборлироқ бўлишни тақозо этади, аньаналаримиз ва урф-одатларимизга нисбатан ҳурматимизни кучайтиради.

Ҳаммамизга маълумки, мустаҳкам ва соғлом оилани шакллантириш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун дастурда белгиланганидек "зарур шароитлар яратиш, болани тарбиялаш, жисмоний ва маънавий ривожлантиришда она ва оиланинг ролини кучайтириш" лозим бўлади. Фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий ривожлантириш учун олдимизда турган улкан вазифаларни, дастурда белгиланган тадбирларни ўз муддатларида бажарилишига эришиш шу куннинг вазифаси бўлиб қолади.

Ҳ. ТЎХТАМУРОД

КОНСТИТУЦИЯ ВА ОИЛА

 АХБОРОТ

Яқинда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди ҳамкорлигида "Конституция ва оила" мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Дилбар Ғуломова "Оила - жамиятнинг асосий бўғинидир" мавзусида маруза қилди. "Хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотлари ёрдамида Ўзбекистон Конституциясини ўрганишни энг қуйи қатламгача етказиш асосий мақсадимиздир. Қонунларимизни ишлашини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонликни ҳар битта оилага олиб кириш шу куннинг талабидир",- дея таъкидлади нотиқ. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг раиси Баҳодир Эшонов анжуманда "Ўзбекистон Конституциясининг аҳамияти ва уни ўрганишнинг асослари" мавзусида маруза қилди. Маърузачи асримизни Конституцияни ўрганиш ҳақидаги Фармойиш билан бошлаганлигимиз ва бу халқимизнинг онгини, тафаккурини юксалтириши сари қутлуғ бир қадам эканлигини алоҳида қайд этди. Нотиқ Конституцияни ўрганиш кенг қамровли тизим бўлиб табақалашган ҳолда, системали тарзда, узлуксиз равишда олиб борилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, анжуманда Республика "Оила" илмий-амалий марказининг Оила ҳуқуқи бўлими бошлиғи Бахтиёр Шераliев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг катта эксперти Наргиза Қориева маърузалари ҳам тингланди.

Ҳ.ТЎЙЧИЕВ

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 560 ЙИЛЛИГИ

"ҚАРО КЎЗУМ, КЕЛ..."

- Ҳазрати Навоий ким?

Юртимизнинг қайси жойига бориб, кимга шундай савол берилса, албатта:

- Бобомиз, - деган жавоб қайтади.

Ҳамма даврларда бутун бир миллатга бобо, улуғ бобо бўлиб яшаш бахти ҳар кимга насиб этмас. Алишер Навоий шахсида, ёзмишларида яхшиликлар, ёруғликлар шу қадар улканлигидан, улуғларимиз бошида қатағон қиличи ўйнаган замонларда ҳам у зотни:

- Ўқиманг, ўрганманг! - деб бутунлай ман этишга биров куч тополмади. Нари борса, чекладилар. Барибир, зўравон сиёсатнинг илдизларимиздан узиб ташлашга қаратилган қаттиқ ҳаракати бу улуғ инсон шахси ва ижодини ўрганишимизга ҳамиша соя ташлаб турди.

Тангрига шукрки, бугун ҳазрат Навоийга яқинроқ бориш, уни билиш, таниш руҳий эҳтиёжимиз эканини англаб етмоқдамиз. У зот тарихимиз саҳифаларини нур бериб ёритувчи бир Улуғликкина эмас, бизни миллат қилиб турган, биз бўйсуниб, суяниб юрган маънавий хазинамизнинг катта бир қисми, тирик, доим нафас солиб, гапириб, ундаб, чорлаб, ёмонликдан қайтариб тургувчи жонли бўлаги эканини ҳис этаяпмиз.

Аммо биз ҳазрат орзу-армонлари, умидларига бундан ҳам теранроқ қарамоғимиз керак.

Нега Алишер Навоий такрор-такрор "Адл айлаки" истагига қайтаверадилар?

Нима учун унинг энг гўзал қаҳрамонлари уч яшарлигидан илм йўлига киради?

Нега ҳазрат ўз асарларида дўстлик, бирлик-биродарликка бу қадар катта аҳамият беради, хиёнат, хоинликдан нафратланади?

Нима учун "Бўлмаса ишқ, икки жаҳон бўлмасин", деган хулосани тақдим этади?

Бу каби саволларга фақат матбуот, мактабнинг эмас, ота-онанинг ҳам ўз жавоблари бўлиши керак. Ва бу жавоблар оилада, дастурхон бошидаги суҳбатларда фарзандларимиз қалбига тезроқ сингийди.

Ғиёсиддин Ҳумомиддин ўғлининг "Маримул-ахлоқ" ("Яхши хулқлар") асари ҳақида эшитганмиз, албатта.

Биз бу муаллифни кўпроқ Хондамир отида таниймиз. Ана ўша асар халқчиллиги, юракка яқинлиги билан Навоийни танишимизда биз ота-оналарга катта ёрдамчи бўлиши аниқ.

Асарда шундай бир ҳикоя бор:

... 906-ҳижрий йил бошларида Султон Соҳибқирон (Ҳусайн Бойқаро) Мозандарон вилоятига ташриф буюради. Ҳукумат эгаси Муҳаммад Валибек жаноблари исмига Ҳирот шаҳри ва унинг атрофидаги аҳолидан зарур харажатлар учун юз минг динор кепакий ундириб олиш ҳақида фармон келади.

Алишер Навоий бу фурсатда усиз ҳам осон яшамаётган фуқаро устига бу қадар солиқ солинишини салтанат шарафига муносиб кўрмайди.

Маблағни ўз хусусий жамғармасидан тўлайди. Халқ эса адолатли шоҳни дуо қилади, салтанатга меҳри ортади. Ёки яна бир ҳикоя:

... 904-йилда Ҳирот масжиди жомеси биносини таъмирлаш ҳаракати бошланади. Бу ишга Алишер Навоий бош эдилар. Масжид ёзувларини ёзиш наққош хожа Мирак зиммасида эди. У ҳадеганда бу ишни пайсалга солаверади.

Шунда ҳазрат қизиқ бир тадбир ўйлаб топади: икки сохта миршабни "Девони аълодан олган беш минг динор кепакийни қайтариш" ҳақида сохта фармон билан Мирак наққошга йўллайди. Сохта миршаблар наққошга дағдаға қилгач, наққош Навоий ҳузурига югуради. Ҳозир аҳволи танглигини айтиб, Алишер Навоийга арз қилади.

Навоий бу фармонни қайтариш жуда мушкуллигини, аммо наққош масжид ёзувларини тезда битказиб беришга қатъий ваъда берса, уриниб кўражагини айтади.

Наққош мингдан-минг рози бўлиб ишга киришади.

Хондамир мана шу тарздаги воқеий ҳикоялар, мутойибалар халқ орасидаги ривоятлар билан Навоий шахсини юрагимизга яна ҳам яқинроқ келтиради.

Болаларга ҳам худди шундай воқеалар, ҳикоялар воситасида улуғ шоир шахси тезроқ англанади. Албатта, улуғ шоир шахси, ижоди атрофидаги кўплаб китоблар қайта нашр қилинмоқда. Шулар орасида Навоийдан кўп яхшилик кўрган, унинг раҳнамолигида ҳаётдаги ўрнини топган Хондамирнинг "Маримул-ахлоқ" асари ҳам бўлиши табиий.

...Ота-боболаримиз ўғил болаларига ҳунар, момоларимиз қизларига кашта ўргатиб ўтириб бедилхонлик, навоийхонлик, достонхонликлар қилишган, дея кўп эсланади. Яна давраларимизга ўшандай гўзал суҳбатлар қайтса, оила иқлими янгиланиб, ўзимиз ҳам майда-чуйда гаплардан баландроқ кўтарилар эдик. Алишер Навоийнинг:

"Қаро кўзум, кел..." дея бошланувчи машҳур ғазалини ҳаммамиз биламиз. Бугун у зот ўша иссиқ, муҳаббатли мурожаат билан барчамизни ўзининг юрак дунёси - эзгулик, адолат, саховат дунёсига чорлаётгандай. Биздан эса астойдил ҳаракат, ўша қалб тарафга юриш қолган, холос.

ҚУТЛИБЕКА

ИХЛОС

"Ихлос - халос!" - дейди халқ. Халқнинг тилида ўлмай келяптими, демак бу сўзнинг тоши оғир. Бир кунига яраймаса, халқ бу «зил юк»ни кўтариб юради. Биродар, сиз ҳам эгилинг-да, пойингизда сочилиб ётган халқнинг сўзларига меҳр билан қулоқ тутинг, мағзини туйинг ва амалиётингизда қўллаб кўринг - муаммоларингиз камайиб бораверади!

Ҳазрати Навоийда шундай мисралар бор:

Ранж кўрмай киши топарму фароғ,
Кўнгли ўртанмайин ёнарму чароғ,
Тухум ерга кириб чечак бўлди,
Курт жондин кечиб ипак бўлди,
Лола тухмича ғайратинг йўқму,
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?

Жонинг қийналмагунча фароғат йўқдир, демоқда шоир. Жонингни қийновда ушлаб турган эса бу ўша ихлосдир! Ҳамма ҳунарманд, ҳамма истеъдодли ва ҳамма лаёқатли кишида ихлос бор деб бўлмас экан. Халқона айтганда, ўзига берилган неъматлардан барака топганлар ихлосманд кишилардир. Бундай инсонлар қўл урганки нарсалари ва юмушларига катта муҳаббат билан қараб, атрофда не бўлса, барини мукофот деб биладилар, озгина қийналсам, шу нарса янада чиройли бўлиши мумкин дея, куймаланиб яшайдилар.

Гул бўлса-ю, ифори бўлмаса, бекор! Асал бўлса-ю, тахир бўлса, бекор! Нон бўлса-ю, куюк бўлса, тил бўлса-ю, дилни эрита билмаса, бекор! Шакл билан мазмунни монанд этиш учун эса ИХЛОС керак. Ихлос аралашган жойдагина афзаллик муқимлашади. Чироқнинг ёнаётган юраги - кўнгли унинг пилигидир. Юрагингга ўт тушса, яъни оловдай гуриллаб бир ишга киришсанггина муродингга етасан. Мана, чироқнинг ихлоси жонини ўртади, аммо атрофни нурафшон қилди. Бу нурафшонлик ичра аввало ўзининг гўзал теграсига интилаётир, ошиқлар суйганларини "чироғим" деб унга менгзаётирлар! Асл фароғат - шу!

Ихлос - бу астойдиллик, диққатни, сабрни, кучни бир нуқтага тўплаш, шайтонни нари итариш, кўтаринкилик, меҳнатингнинг натижасига ишонишдир. Кўрганларимдан бир мисол айтай: умр йўлдошим осмондаги ой эмас, чигилингизни ёзадиган ширин лаҳжаси ҳам йўқ. Аммо зимдан бу кишига тан бераман. Ўйлайманки, бу одамнинг Оллоҳ олдида юзи ёруғ - у умрдан тинмай самар олгани олган. У асли меъмор, иши лойиҳа, қоғоз билан ишлаш. Аммо қачон қараманг, арраранда, темир-терсак ичида.

Дастлаб ертўланинг дарчасига ром созлади, ўхшади! Кейин ўша ерга эшикка уринди, бинойидек чикди. Сўнгра айвонга ром ясади, аста уйларига эшик ясашга ўтди... Қарабсизки, янги уйнинг жами ёғоч ишларини ўзи уддалади. Унга чой ташиб юриб укаларимнинг кўзи пишди. Ўзларига уй солиш навбати келганда, деярли ўзлари тикладилар. Оёғининг тагида уймалашиб юриб, ўғилларим ҳам ҳунарманд бўлиб кетдилар. Кулганлар ҳам бўлди, "жонингиз қийналиб кетди-ю, шугинага қўл қўйиб юборсангиз, иморатингизнинг камини тиклашиб юбораман", - дейдиган "уддабуронлар" ҳам бўлди. У эса ихлосдан чекинмади. Янгидан-янги ишларни топаверди, тиришиб-тирмашаверди. Қарангки, киши эринмай, **ихлос билан яхши ишга чоғланаверса,** Худо уни йўлакай ярлақаб, яъни ақлини чархлаб, ишнинг кўзини биладиган қилиб, бировга зориқмайдиган даражага етказар экан. Бир сўз билан айтганда, уни керакли бўлишга сайлар экан. Илоҳим, ҳар бир инсонни атрофга керакли этсин! Энг катта мартаба шу!

Ихлос билан иш бошлаётган одам, Яратганга таваккал қилиб турган кишидир. Яратганнинг унга берган жисмоний ва маънавий имконларига суяниб турган кишидир. Бундайларга мукофотим кўпдир, дейилади Қуръони каримда. Дунёнинг етти мўъжизаси саналган энг буюк ихтиролар, Регистон, Улуғбек обсерваторияси, Оқсарой, ватанимизнинг айрим жойларида учрайдиган, бир неча аср муқаддам бино бўлган, ҳалиҳануз зилол сувларини сақлаб келаётган қудуқларгача ИХЛОС билан қилинган меҳнат ҳосиласидир. Ўлмай келаётган китоб, куй, сурат, ҳунармандлик буюмларини узун умрига сабаб бўлаётган фақат ИХЛОСДИР! Сиз: "Йўқ,бу Худо юқтирган истеъдоддир", - демоқчи бўларсиз. Нотўғри айтасиз! Не-не баланд истеъдодлар эгасининг шахсияти кичиклигидан юзага чиқмай, яъни элга наъф бермай ўтади.

Ихлоснинг яна бир маъноси - одамларни рози қилиш демакдир. Истеъдоди бўла туриб, ундоқ "изм", бундоқ "изм" ларга шўнғиб кетган, халқчил услубга беписанд қараган, "Мени ҳамма тушуниши шарт эмас, санъат санъат учун" дейдиганлар ҳам бор. Элга ёқиш - нинанинг устида юриб меҳнат қилиш, тоққа тирноқ билан тирмашиб чиқиш дегани. Ана шу меҳнатдан қочганлар, ихлос билан истеъдодини элга етказишга эринганлар юқоридаги гапни айтгувчилардир. Эсимизда туриши керакки, бизга берилган истеъдод инсонларга хизмат қилиши учун аталгандир, бу омонатни эгасига ихлос билан топширмас эканмиз, ўзимизга жабр - жаво би елкамиздадир!

Демак, ихлос - аввало инсонга муҳаббат, меҳнатга муҳаббат ва Оллоҳ сенга инъом этган ўзлигингга муҳаббатдир! Ва унинг қайтими ғоятда роҳатлидир - эшитяпсизми, **"тухум ерга кириб чечак бўлди, қурт жондин кечиб ипак бўлди"!** Яхши она бўламан деб, навқиронлигингиз ўтиб кетса, маъкул фарзанд бўламан деб, бирингиз икки бўлмаган бўлса, чекингизга тушган тирикчилик юмушини ихлос-ла, яъни мукаммал ва ҳалоллик билан адо этаман деб карвондан ортда қолаётган бўлсангиз, асло хомуш тортмангиз. Эртага ҳамманинг боласи райҳон бўлса, сизнинг болаларингиз анвойи гуллар бўлгай! Ота-онангизнинг ризолиги туфайли болаларингиз сизни бошларига қўйгайлар! Ишингиздаги ҳалоллигингиз фарзандларингизни жиноятдан, бало-қазолардан асрагай! Берсин, берсин роҳатни, қарсиллаб турганингда эмас, илигингдан қувват кетганда берсин!

Лола тухмича ғайратинг йўқму,
Пилла қуртича ҳимматинг йўқму?

Юрагингнинг ўртасига тегади бу хитоб! Болалигимдаги маҳалламизда Ҳалима опоқи исмли қўшнимиз бор эдилар. Кексайиб қолган бўлсалар ҳам, ҳамиша чаккалари таралган, қўйлаклари дазмолланган, қошларига ўсма тортиғлиқ бўларди. Шу опоқининг бир гапини ботбот эслайман: "Фалончи барака топадиган қиз бўлибдида! Қараб турсам, наматларни қайриб, тагларигача супуряпти, ошхонадаги челакларида аксингиз кўринадия!". Опоқининг ўзлари ҳам ихлос билан рўзғор юритадилар. Ихлос бор жойда шаклланган шахсият мавжуд экан. Бу бутунлик демакдир. Бундай одамлар ишни каттакичикка ажратмайдилар, оддий пиёла ювишдан тортиб, қўйлакка тугма қадашгача улар учун муҳим иш. Энг қора ишларни ҳам сесканмай, берилиб бажариш ўзни хокисор, яъни тупроқ ичра тутмакдир. Ва бу қаҳрамонлик эмас, инсоннинг ҳар доимги феъли шундай бўлиши керак. Лола тухмики қора тупроққа юкиниб, гулга айланаяптими, инсон бундан катта орият туймоғи, толеи сари ғайрат билан интилмоғи шарт дейди шоир! Куртки ипакка дўниб турса, яъни астойдил меҳнати билан ўлмасликка сайланиб турса, эй Ҳазрати инсон, тезроқ ҳимматларингни атрофга сочишга туш ва сени кутаётган улкан мукофотларга етиш йўлини қисқартир дея дилингизни уйғотади шоир.

Турсуной СОДИҚОВА

СИНГИЛДА ҲАМ ҚАЛБ БОР-КУ

Менинг ёшим 21 да. Ҳеч жойда ишламайман. Ота-онам бағридаман. Емоқ-ичмоқ, кийинишдан камчилигим йўқ. Лекин!.. Бундан 2 йил олдин Собир исмли бир йигит билан танишиб қолдим. Бора-бора биз севишиб қолдик. Собир мени севар, авайлар ва ҳаммадан қизғанар эди. Собир "Оиламиз кўпчилик, акам иккаламиз бирга уйланамиз", - деб 1-2 йил кутишимни айтарди. Кунлар ўтиб менга совчи кела бошлади. Собир эса: "Севганим бор, уни кутаман, агар мени бошқага берсаларинг, ўзимни ўлдираман деб айт",- деб тайинларди. Мен унинг ҳамма айтганларини қилар эдим. Биз баъзида учрашиб турар эдик. Собир бошқа қишлоқда турганлиги учунми уни фақат байрамларда, сайлларда кўрар эдим. Бир куни Собир менга кечкурун учрашгани келишини айтди. Мен у билан фақат кундузлари гаплашиб юрганим учунми бошида кўркдим. Лекин унга "майли" деб рози бўлдим. Бу менинг ҳаётимдаги энг катта хатоим бўлди. Мени 2 акам бор. Уларни кечкурун кўриб қолишидан жуда кўркдим. Ўша куни кечкурун Собир келди. Мен чиқиб энди саломлашган заҳотим, акаларим чиқиб Собирни ким эканлигини ва нимага келганини сўрай бошлашди. Собир мен ёнида бўлганим учунми ростини айтди. "Мен синглингизга уйланмоқчиман, биз бир-биримизни севамиз",- деди. Шу гап оғзидан чиқиши билан иккала акам ёқасидан ушлаб бечорани ўлгудек қилиб уришди. Мени уларни ажратишга кучим етмасди. Мени ҳам судраб уриб ташлашди. Мен шунда ҳам кетмадим. Собир акамлардан жон ҳолатда кечирим сўради. Эртага совчи юборишини айтиб қутилди. Кунлар ўтди. Лекин Собирдан дарак бўлмади. Бир неча кун ўзимга келолмай ётиб қолдим. Йиғлаб-сиқилиб адо бўлган эдим. Ниҳоят Собирга ўзим хат ёзиб бирон жойда учрашиб гаплашиб олишимизни сўрадим. Ниҳоят биз учрашдик. Негадир Собир бошқача бўлиб қолган эди. Собирга акамларнинг аччиғи тезлигини, ўзимиз ҳам сал шошилганимизни тушунтирдим. Кечирим сўрадим. Иккаламиз бир-биримизни кечириб анча гаплашдик. Бирга айландик. У яна мендан бошқага уйланмаслигини, уни кутишимни сўради-да, хайрлашди. Кунлар, ойлар ўтди. Лекин Собирдан ҳеч дарак йўқ эди. Қизлик ғуруримга тўғри келмайди, деб мен ҳам кутиб юравердим. Бир дугонам Собирни бир қиз билан гаплашиб ўтирганини кўрибди. Мени ҳеч бунга ишонгим келмас эди. Нима қилишимни билмай юрган пайтлар Мустақиллик байрами бўлиб қолди ва дугоналарим билан айландик. Собирни кўриб қолдим... Не кўз билан кўрайки олдида бир қиз бор эди. Кейин нима бўлганини билмайман. Кўзимни очиб қарасам, дугоналарим юзимга сув сепиб йиғлаб ўтиришибди. Кейин эшитсам, Собир шу қизга совчи қўйган экан. Собирни тўйи бўлди. Мен бу пайт ҳаётдан умидимни узиб қўйган эдим. "Ҳеч қачон турмушга чиқмайман",- деб ўзимга қасам ичдим. Совчиларга рад жавобини бериб юборавердим. Яқинда уйдагилар қўймай, мажбурлаб мени бир болага уначтириб қўйишди. У билан учрашдим. Собирдек чиройли бўлмаса-да, жуда ақлли, тушунадиган йигит экан. Суриштириб билсам, Собир билан қўшни экан. Мен ишонаманки, Ҳ. акам билан бахтли турмуш қуриб яшаймиз. Лекин юрагимдаги бир нима доим менга Собирни эслатиб туради. Мен энди Собир билан бир қишлоқда қўшни бўлиб қандай яшайман? Яхшилар менга йўл кўрсатинг, мен энди нима қиламан?

Бир куни у Ҳ. акамга мен ҳақимда гапириб қолса-чи? Нима бўлганда ҳам менинг суянч тоғларим бўлмиш акаларим илк севгимнинг бошига етишди. Ахир Собир билан ўшанда тўғриликча гаплашишса бўларди-ку! Тўғри, акаларимиз бизнинг ҳимоячиларимиз. Лекин улар бирор безоридан мени ҳимоя қилишса бошқа гап эди. Лекин улар... Мени севгимдан айириб, бахтсиз қилиб қўйишди-да. Эҳтимол буни ўқиган айрим акаларимиз ўзларига тегишли хулоса чиқариб олишар, деган умиддаман...

АЗИЗА

Қиссадан ҳисса

ЭРКАТОЙ - ЭРКИНТОЙ

Гулшода опа ва Нуршод акаларнинг иккита қизлари бор. Аммо ўғил фарзанди йўқ эди. Айниқса, Гулшода опа ўғил фарзанд кўриб Нуршод аканинг олдида юзи ёруғ бўлишини жуда ҳам орзу қилар эди. Мана, Гулшода опанинг тилаги Худога етиб ўғил кўришди, исмини Эркинтой қўйишди.

Эркинтой туғилиши билан бу хонадонга ўзгача бир файз кирди. Ҳамма Эркинтой атрофида гирдикапалак. Айниқса Гулшода опанинг кўзига Эркинтойдан бошқа ҳеч ким кўринмасди. Гулшода опа Эркинтойни ҳеч кимга ишонмасди. Эркинтой боғчага борадиган бўлиб қолди. Гулшода опа ўғлини қизларига ишонмасдан боғчага ҳам ўзи олиб борар, олиб келарди.

Йиллар кетидан йиллар кувиб ўтаверди. Мана Эркатой - кечирасиз, Эркинтой 7 ёшга тўлди. Мактабга ҳам чиқадиган бўлди. Гулшода опа эски одати бўйича ҳар куни Эркинтойни мактабга олиб бориб қўяр ва дарсдан кейин мактаб олдида ширинликлар билан кутиб олар эди. Гулшода опа бу одатини Эркинтой бешинчи синфга боргунча давом эттирди. Эркинтой бир куни: "Ойи, болалар мени ойисининг боласи деб мазах қилишяпти, энди мактабга мени олиб келишга борманг", - деб жаҳл қилгандагина ноилож бу одатини қўйди.

Гулшода опа Эркинтойни чиройли кийинтириб сайилга ёки меҳмонга олиб боришни яхши кўрарди. Автобус ёки бошқа қатнов транспортига чиққач бўш жой бўлса Эркинтойни дераза томонига ўтқазиб, ўзи четга ўтириб уни ҳимоя қиларди. Агарда битта кишилик бўш ўрин бўлиб қолса ўзи ўтирмай, Эркинтойни ўтқазиб, ўзи унинг олдида туриб олар ва ҳатто қари кампир ёки чол чиқиб қолса ҳам: "Бу ҳали гўдак" деб Эркинтойни безовта қилдирмасди. Чолу-кампирларга жой бериш Эркинтойнинг хаёлига ҳам келмасди.

Эркинтой мактабни ҳам тамомлади. Гулшода опа билан Нуршод ака ҳар хил институтлар йўлида югурдилар ва ниҳоят Эркинтой талаба ҳам бўлди.

Гулшода опа бу кунга келиб анча қувватдан қолган, олдингидек чопиб, югуриб юра олмасди. Ёлғиз қолган пайтларда ўғли Эркинтойнинг келажакда катта бўлиб, яхши ишларга жойлашиб, обрў-эътиборли одам, меҳрибон-куюнчак, фарзанд бўлишини орзу қилиб ширин хаёллар денгизида сузар эди.

"Бошқалар емаганини едириб, киймаганини кийдириб, қийинчиликларга чидаб ўстирган ўғлим қариганимда тоғдай суянган ҳимоячим бўлади", - деган ширин хаёллар билан кунларни ўтказаверди. Ёзнинг иссиқ кунларидан бирида Гулшода опа Эски шаҳарга тушди. Арзон экан деб икки сумкани тўлдириб ҳар хил кўкатлар ва мевалардан олди. Иссиқда терлаб-пишиб зўрға трамвай бекатига етиб келди. Бахтига қарши трамвай ҳам дарров кела қолмади. Усти очиқ бекатда, иссиқ офтоб тагида толиққан Гулшода опа келаётган трамвайни кўриб жуда хурсанд бўлди. Трамвайга чиққач, оғир сумкалар анчайин толиқтирганлиги сабаб, ўтиришга бўш жой қидирди. Трамвайда одам унчалик кўп бўлмаса-да, бўш ўриндиқ йўқ эди. Бирдан Гулшода опанинг кўзи ўртароқда ўтирган севимли ўғли Эркинтойга тушиб, қувониб кетди ва дарҳол сумкаларини судраб унинг ёнига келди. Лекин Гулшода опа кутган нарса рўй бермади. Эркинтой онасини кўриб, ҳа, ойи бозорга тушган экансиз-да деганича пинагини бузмай ўтираверди. Гулшода опа бу кутилмаган ҳолдан гангиб, нима қилишни билмай қотиб қолди.

Шу пайт Эркинтойнинг орқасидаги ўриндиқда ўтирган ёш йигит: "Келинг опа, чарчаган кўринасиз, ўтиринг", - деб ўзи ўтирган ўриндиқни кўрсатди. Гулшода опа кутилмаган бу таклифдан сал гангиб секин жойга ўтирди-да, кейин ҳаяжон ила ҳалиги йигитга: "Отангга раҳмат, онангга раҳмат, барака топгин ўғлим, бахтли бўлгин", - деб ташаккурлар билдирди. Гулшода опа зўрға-зўрға бу сўзларни айтар экан, не-не орзу-армонлар билан ўстирган севимли ўғлининг номаъқул қилиғидан лол қолиб, ўпкаси тўлди, кўзида ёш милтиллади.

Ўғлига аталган дуоларини бошқа бировларга тилаганлиги учун онанинг дилига армон чўкди. "Нега бундай бўлди, бунга ким айбдор?" -деган савол онанинг миясини чулғаб олган эди.

Т. ОЛИМОВ

ЮЗЛАРИДАН НУР ЁҒИЛАРДИ

Биз ота-онадан саккиз фарзанд эдик. Икки ўғил ва олтита қиз. Онам уй бекаси, отам ҳанузгача давлат корхонасида ишлайдилар. Иккалалари олийжаноб, соддадил одамлар. Саккизта фарзандни улғайтириб маълумотлик қилиб, уларни уйлик-жойлик қилиш катта масъулиятни талаб қилади. Ота-онам бу ишларни аъло даражада уддаладилар. Уларнинг бу ишларида тўнғич ўғиллари Баҳромхўжа акам катта ёрдам бердилар. Акам жуда сарвқомат бўлиб, чиройли юзларидан нур ёғилар эди. Кўрган кишининг суқи келадиган фазилатлари кўп эди. Акам катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилар, кимга ёрдам керак бўлса "лаббай" деб жавоб берар эдилар.

Ишхонада, кўча-кўйда, қариндош уруғлар ичида обрўлари баланд эди. Сингилларининг исми ёнига "жоним" сўзини қўшиб айтишлари, укамни еру-кўкка ишонмасликлари, жиянларининг ҳар бирини бирон бир "юлдуз"га тақлид қилишлари эшитганларнинг ҳавасини келтирар, бизни эса янада ғурурлантирар эди.

Сингилларининг уйларидан нўёрин иш ўтса ёки бирор хафагарчилик бўлса ширинсуханлик билан, ётиғи билан хатоимизни тушунтирар, сабр қилишимизни илтимос қилар, жуда ақлли маслаҳатлар берар эдилар. Оилаларини жуда севар, ҳеч кимга ишонмас эдилар. Фарзандларига эса ғамхўр ота, қизларини сиз-лаб чақирар, қаттиқ гапирмас эдилар. Ёлғиз ўғиллари туғилганда бошлари осмонга етган, акамдан бахтли одам йўқ эди бу дунёда.

Ота-онам шундай ўғиллари борлигидан фахрланар, улардан жуда миннатдор эдилар. Лекин бу хурсандчиликларининг адоғи бор экан, бу кунлар армон бўлиб қолиши бизнинг хаёлимиз кўчасига келмаган экан.

Ўша 1993 йил эсимдан чиқмайди. Акам янги йилни бирга кутишни таклиф қилдилар. 31 декабр куни ҳаммамиз биргаликда Янги йилни кутмоқчи бўлдик. Ҳа, 31 декабр куни ҳамма-ҳамма йиғилди, ёру-дўстлар, ошнаоғайнилар, қариндош-уруғлар, фақат Янги йилни кутгани эмас, акажоним Баҳромхўжани сўнгги йўлга кузатиш учун йиғилдилар. Акам ўша куни юрак хуружидан 35 ёшларида тўсатдан оламдан кўз юмдилар. Ўша куни акамни таниган ҳар бир инсон "оҳ" демасдан қолмади.

Орадан етти йил ўтди ҳамки эсламаган кунимиз йўқ. Яхши ҳамки видеотасмалар бор. Ота-онам кўриб оз бўлса-да хуморлари босилади.

Илоҳим ота-онам, жигарларимни Аллоҳ ўз паноҳида асрасин. Ҳеч бир инсон болам, жигарим демасин.

Донохон ОЛИМЖОНОВА

Миробод тумани

ФАРИШТАДЕК ОНА ЭДИ...

Хотира-муқаддас

Жондан азиз жигарим - синглим Мақсудахон тўсатдан бор-йўғи 20 кун касал бўлиб бу фоний дунёни тарк этди. Оламдан ўтмасидан уч кун бурун уйимга олиб келдим. Тинчроқ, яхшироқ дам олсин деган мақсадда. Шу уч кун ичида мен билган синглим бутунлай бошқача инсон эканлигини англадим. Олдинроқ буни пайқамаганлигим учун ўзимни кечиролмайман.

Мактабда аълога ўқиган бўлса-да ҳеч қаерга ўқишга бормади. Оқила уй бекаси, фариштадек она, соҳир фикрлар эгаси Мақсудани жуда камтарин, ҳаммага меҳрибон эканлигини билардим. Аммо, у илоҳий билиш хусусиятига эга эканлигидан, шеърлар машқ қилиб туришидан бехабар эканман. Ўлимидан уч кун бурун жаннат боғлари бирам гўзал, мевалари ғарқ пишганини тушида кўрганлигини айтганида ҳам, фарзандлари иқболи ҳақида, сабр-бардош ҳақидаги ҳангомаларини ҳам эслаб йиғлайман. Бир ой илгари ёзган шеърини ўқийман:

Орзулар йиғлайди
кўнглим тубида,
Армонга айланиб
ранги заъфарон.
Ёлғончи бу дунё
бир кам аслида,
Фақат сиз йиғламанг,
жоним онажон.
Опажон, не учун
кўзларингда ёш,
Айрилиқ азобин
кўнглингга олма.
Онамга далда бўл,
бўл метин бардош,
Мен сенга меҳмонман,
ғафлатда қолма.

Оллоҳим ҳам гулчин дейишади. Мақсудахон синглимнинг руҳи поки фарзандлари Муҳаббатхон, Маҳмуджонни ҳамиша қўлласин. Ётган жойи жаннат бўлсин, дея дуога қўл кўтарамиз. Волидаи муҳтарамам, опа-укаларимга Аллоҳдан сабр-бардош сўраймен.

Моҳира ШАКАРОВА

Бухоро

ЭРЛАРИМИЗГА ИНСОФ, АЁЛЛАРГА САБР-ҚАНОАТ ТИЛАЙМАН

"Ота меҳри ҳам керак экан" - 1-сон

ЭСЛАТМА: *22 ёшимда турмушга чиқдим. Эрим жуда рашкчи, бўлар-бўлмас нарсага ҳам аччиғланиб, жанжал чиқарарди. Охири бўлмади, бир ўғил, бир қизим билан ажрашдим. Ўзимни ўққа-чўққа уриб рўзғор тебратаман. Аммо болаларимни кўзидаги мунгни кўриб қийналиб кетаман.*

Гуллола ЖОНТЕМИРОВА

Синглимиз Гуллолахон, икки нафар фарзандни онаси, нафақат она, ҳам отаси бўлиб оиласидан ажралганига 7 йил бўлибдики фарзандларини якка ўзи ҳеч нарсадан кам қилмай ўстираётганлари, аммо фарзандлари кўнглида бир кемтик борлигини - отасини қўмсашини, соғинчини жуда кеч англаб етибдилар.

Албатта синглим Гуллола, нимаики бўлганда ҳам болаларимиз ёмон бўлсада ўз онаси-ю, ўз отаси бўлишини хоҳлашади. Сиз ўйламанг бу дунёда ҳамма ҳам осонликча бахтли оилага айланган деб. Шундай аёллар борки, уларнинг сабр-бардошлилигига қойил қолмай иложингиз йўқ.

Улар шу Яратган эгам насиб айлаган "оналик" деган номни олиш билан бирга эрларининг ҳамма жабр-ситамларига чидайди, эрлари ҳаттоки хиёнат қилганда ҳам шу фарзандлари билмасин дея сирларини кўчага сочмай дардлари ичида, ғам кўз ёшларини тунлари болишларга тўкиб, кечалар ой-ю, юлдузларга айтиб, тани маҳрамига инсоф-диёнат сўрайди.

Ҳадисларимизнинг бирида: "Эрларига итоатли хотин бўлмоқ, эр бир иш билан банд бўлиб бехосдан хотинга аччиқланган пайтларда сабр этмоқ, аччиқни ютиб чидамоқ ва бунинг учун Аллоҳ таолодан эзгуликни умид этмоқлик керакдир",-дейилган.

Дарҳақиқат, айрим ёшларимизда кўпинча момоларимиздан мерос бўлиб қолган ана шу хислатлар етишмайди.

Аёл кишига "она" деган номнинг ўзи энг юксак ном Гуллолахон. Шу сабаб болаларингизнинг отаси тирик бўлса-ю, оталик меҳридан бебаҳра улғайишса, оталари меҳрига талпинишса уларни тергашга ҳаққингиз йўқ. Чунки уларни томирида ўша инсонни қони бор. Гуллолахон тўғри, сиз бошида ёзганингиздек (агар рост бўлса) турмушнинг анча қийинчиликларига бардош бериб келгансиз. Нима бўлганда ҳам оилангизни сақлаб қолишингиз керак эди. Эркаклар осонгина яна уйланиб олишади. Болалар ва рўзғор ташвиши эса яна аёл зиммасига қолиб кетаверади. Шунинг билан тинчгина яшасангиз экан, боши очиқ аёлни ён атрофдагилар фисқу-фасод гап қилишиб ҳам тинчитишмайди.

Ана шунинг учун ҳам эрларимизга инсоф-диёнат, меҳр-оқибатли бўлишликни, мўътабар аёлларимизга эса сабр-қаноатли бўлишни тилаб қоламиз. Аллоҳим ҳеч кимни ҳеч қачон ўз уйи, ўз оиласи, ўз ота-онасидан бенасиб қилмасин.

Насиба АШУР қизи
Ғузор шаҳри

СЕВГИ ДЕБ САРОБГА ИНТИЛМАНГ!

"Бу дарддан қутулиб бўлармикан?"-48-сон

ЭСЛАТМА: *Турмуш қурганимга 3-4 ой бўлмай, қайнонам туфайли оилам бузилди. Қизчамни боғчага жойлаштириб, ўзим ишга жойлаштдим. "Ҳеч кимни севмайман",- деб аҳд қилдиму, аммо орадан кўп ўтмай оилали бир эркакни севиб қолдим.*

ТОШКЕНТЛИК СИНГЛИНГИЗ

Тошкентлик адашган синглим! Бошингиздан кечган ва кечаётган саргузаштларингиз аёл зоти борки, уни ўйлашга, ҳаяжонланишга мажбур қиладиган синоатдир. Ота-онангизни тенгингизга бермай, шошқалоқлик билан ўқимаган йигитга бергани бир ўйга толдирса, қайнонангизнинг ўқишга юбормай қўйиши кишини куйдирди.

Ўғилчангиз 4 ойлик бўлганида эрингиз эмас, у сизни ҳайдаб юбориб, бир ой ўтар-ўтмас ўғлини бошқа қизга уйлантириб қўйган ўша чатоқ қайнонангизга нима дейиш мумкин? Унинг гапига кирган тарбиясиз "қўғирчоқ" ўғилга суф! Кошки, иккинчи келин билан ўғлининг бахтли яшаганини кўриш насиб бўлса унга. Уни ҳам бир фарзандли бўлгач, думини тугибди-я. Ҳаётининг қайтишини қарангки, ўғил онасига "мукофот" қилиб нашавандлик кўчасига кириб, ош эмас, 15 йилга қамалиб кетибди. Ана тарбия-ю, мана тарбия, ана "роҳат"у, мана "фароғат". Кошкийди шундай қайноналар ўз қилмишидан ўзигина алам чекса. Бундай тушкунликдан ота-онаю, қариндош-уруғ, қолаверса, маҳалла-кўйнинг ҳам дили хуфтон бўлиши аниқ. Тирик етимлар сонининг иккитага кўпайиши-чи!

Синглим, ишга кириб, ўз изтиробларингизни ечишга ҳаракат қилганингиз кишини қувонтиради. Матонатли аёл шундай қилади. Лекин "кўр ҳассасини бир марта йўқотади" деганларидек, сиз бўлсангиз йўқолган ҳассани топиш ўрнига икки фарзанди бор бўлган оилали эркакка кўнгил боғлабсиз. Энг ёмони шундаки, сиз аёл бўла туриб ўз "севги"нгизни биринчи бўлиб изҳор этибсиз-а. Бу бизнинг ўзбекона удумларимизга тўғри келмайди. Бир бор оғзи куйган одам қатиқни ҳам пуфлаб ичади.

Наҳотки сиз келгусида жондан азиз ўғлингиз билан тинчликда ҳаёт кечиришингизни ўйламайсиз? У йигитнинг хотини сизнинг эрига бўлган муносабатингизни сезиб қолса, ўртада жанжал бўлмайди, деб ким кафолат беради? Бошингиздан кечган "достон"лардан аллақачон хулоса чиқариб олган бўлишингиз керак эди. Минг афсуски, сиз кўнгил майлига берилиб, саробга интилаяпсиз. Сароб бўлганда ҳам поёни, туб-ниҳояси йўқ сароб. Бу билан сиз ҳаётингизнй доғи-ҳасрат сари етаклаяпсиз. Инсон борки, ҳаёти давомида баъзан қоқилиши мумкин, "Айбсиз парвардигор" деб шуни айтсалар керак.

Эшитишимча, бир шогирдим сизга ўхшаб "севдим" деб иккинчи хотинликка рози бўлиб не-не жанжал тўполонлар билан яшабди. Ота-онаси: "У сенга эр бўлмайди, ҳозирдан ундан воз кечиб, этагингни ёпгин, ўша билан яшасанг сендан рози эмасмиз",- дейишса ҳам, унамай, дам уришиб, дам ярашиб икки фарзандни орттирибди. Барибир турмуши мушт бўлиб онасиникида яшаб юрганида машина ҳалокатига учраб, раҳматлик бўлиб кетди. Бу воқеалар дилларни ўртайди. Ота-она шўрликлар қизининг доғида куйиб, бир ўғил ва бир қиз набирани боқиб юрибди.

Сиз ҳеч бўлмаса ўша "ошиғингиз"нинг гапидан хулоса чиқариб олсангиз бўлади-ку!

"Мана бориб-бориб у ҳам кам келадиган бўлиб қолди", - дебсиз ачиниб. У менга: "Проблемам жуда кўп",- деди,-деб нолибсиз. Ахир "проблемали" одамдан яхшилик чиқадими. Яхши эркак бўлса, сизни "эрмак" қилмай, оилали эканини рўкач қилиб, тўғри йўл-йўриқ кўрсатса бўларди.

Маслаҳатим, кўзни чирт юмиб бундай саробдан воз кечинг. Ҳали ўзингизга ҳар томонлама муносиби учраб, бахтли бўлиб кетсангиз ажаб эмас. "Эзгуликнинг кечи йўқ" дейишади-ку доно кексаларимиз.

Афифа ҲАСАН қизи

НИЯТ ЯХШИ БЎЛСА...

"Оилалар нега бузилади?"-39-сон

ЭСЛАТМА: *Тошкентдаги ётоқхоналардан бирида деярли бир ой ичида уч жуфтликнинг тўйи бўлди. Орадан кўп ўтмай бу бахтли жуфтликнинг бири ажралди. Бундай воқеалар кўпчилигининг оқибати бир фарзандларининг етим бўлиши, оиланинг парчаланиши, инсон қалбининг озор топиши билан тугайди.*

Отабек РУСТАМБЕК ўғли

Оиланинг бузилишига асосий сабаб бу рўзғорда юз берадиган икир-чикирлар деб биламан. Қайнона-келин муаммоси, эр-хотин муаммоси, қайни-бўйни муаммоси - булар ҳаммаси бор нарсалар, ҳаётий муаммолар... Ҳаётда баъзида келин енгиллик қилиб кўяди, баъзида куёв номардлик қилади. Баъзида қайнона, баъзида қайни бўйнилари, баъзида қўшнилар ҳам оила бузилишига сабабчи бўлади. Ҳаётда ҳар хил синовлар бошдан кечади. Оиланинг энг катта фожиаси эрнинг хотинга, хотиннинг эрга хиёнати деб ўйлайман. Ана шундай ҳолатдан кейин иш ажралишга бориб етади, яъни оила бузилади. Баъзи бир оилаларда ажралиш сабаби ўзгачароқ, оғирданоғир фожеа - фарзандсизликдир. Э, воҳ, Аллоҳ ҳар бир бандасини шундан асрасин. Менинг бошимдан ҳам шундай қисмат ўтган. Шунинг учун ҳам бундай мусибатга дучор бўлган аёлга дардкашман. Аллоҳим кеч бўлса ҳам фарзанд ато этди менга, беадад шукрлар айтаман.

Мен бир оилани биламан. Келин 7 йил фарзанд кўрмади. Бу йиллар оралиғида не-не маломатлар кўрмади, дейсиз. Икки ёш бир-бирини севар, ҳурмат қилар эди. Барибир йигитнинг онаси келинни тинч кўймади. Охир оқибат бир оила - икки ёш ажралишга мажбур бўлди. Дунёни ишлари қизиқ экан. Бундай қараганингизда ҳаётни отаси ҳам, онаси ҳам йўқ эди. Онасини уйига борай деса келинлардан истиҳола қилади. Унинг устига 2 бола билан қаерга боришни билмасди. У йигит билан бир синфда ўқиган эдик. Мактаб даврида у бинойидек, намунали бола эди. Оила қуриб опасининг, онасининг чизган чизиғидан чиқмай, шу ишларни қилганига ҳайрон қолдим. Уларни айтганларини қилиб, хотинини ҳайдади, болаларини тирик етим қилди.

Тавба, фарзанд Аллоҳнинг азиз неъмати дейсиз-у, баъзида шу неъматни кўр-кўрона хор қилганларни кўрсак, ичимиз ачийди. Лекин аралаша олмаймиз. Нима қилса ўзлари билишади, деймиз. Ёки бошимга бало қилиб нима қиламан, кўзига ёмон кўриниб нима керак, деймиз. Фарзандни эса кимлардир хор қилади, кимлардир тирноққа зор. Бир кам дунёда кимнингдир давлати зиёда, соғлиғи жойида, турмуш ўртоғи яхши аммо фарзанди йўқ. Кимларнингдир фарзанди бор, соғлиғи жойида, бироқ моддий томондан камчилиги бор. Инсон зоти борки, шу камчиликларни тўлдириш ҳаракатида юради. Азизларим, ниятни бутун қилайлик, илоҳим, оилалар ҳеч ҳам бузилмасин, фарзандлар "дада" ёки "ойи" деб йиғлашмасин. Фарзандлар тирик етим бўлишмасин!

Латофат САЪДУЛЛАЕВА
Тошкент

«ОНАСИНИ КЎРИБ, ҚИЗИНИ ОЛ»

"Маҳалламизда қиз кўпу, аммо..."-29-сон

ЭСЛАТМА: *Отам ва акаларим қўлида ўсганман. Онамнинг насиҳати билан маҳалламизда яшовчи бир қиз билан гаплаша бошладим. Қизни ўзи қўли гул чевар, аммо ота томони уруғлари ичкиликка берилгани боисидан уйдагилар у билан гаплашишимга қарши.*

БЕҲРУЗ

Ҳурматли Беҳруз! Севган қизингизнинг отаси кўп ичса қизи айбдор эмас-ку? Отаси кўп ичса, онаси томон яхшидур. Шуни бир ўйлаб кўрдингизми? Она томонини суриштириб кўрдингизми, Беҳруз! Сиз қизни ҳақиқатан ҳам севсангиз у билан турмуш қуришга ҳаракат қилинг. Балки шу қиз билан бахтли ҳаёт кечирарсиз. Лекин... халқимизда: "Онасини кўриб, қизини ол" деган мақол бежиз айтилмаган. Шу ўринда ота-оналарга шундай демоқчиман. Азиз ота-оналар! Фарзандингизни келажагини ўйласангиз, бахтига зомин бўлманг. Севган қизини олиб беришга ҳаракат қилинг. Отасининг уруғи кўп ичса қизида нима гуноҳ? Отаси учун қизи жавоб бермайди-ку. Беҳруз, сиз икки ўт орасида қолдим дебсиз, ҳеч иккиланмасдан онангизга яна бир бор тушунтириб кўринг.

Д.
Самарқанд

№ 6 (485) 7 – 13 феврал 2001 йил

Ҳурматли онажоним Бувалия НОСИРОВА!

Сизни таваллуд кунингиз билан табриклаймиз. Сизга Оллоҳдан узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Доимо омад ва бахт сизни тарк этмасин.

Надир дунё оналарсиз,
Куёшсиз кун зулматдир,
Она борки, ҳаёт ғамсиз,
Фарзандлар бадавлатдур.

Оила аъзоларингиз номидан қизингиз Дилафрўз

Ҳурматли ТУРОБ ака!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклайман. Келгуси ишларингизда ривож ва омад тилайман.

Адҳам

ЭЪЛОНЛАР!

Озиш, семириш, ажин, қабзият, ҳуснбузарлардан фориғ бўлишга ёрдам берамиз. Маълумот учун телефонлар: 74-71-29. 19 дан кейин.

Косметология курслари.
Тел: 34-55-50, 46-79-24

ДОМЛА

Таъбирномаси

Институтда ўқиб юрганимизда Тўлқин Йўлдошев деган домла тилшунослик фанидан дарс берарди. Орадан сал кам йигирма йил вақт ўтган, шу орада уни бундан беш-олти йил бурун бир мартагина кўрган эдим. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ҳаракат қилиб юрган пайтларида бир марта кўзим тушган эди. Шу-шу у ҳақда ҳеч ким билан гапиришиб ҳам кўрмаганман, ҳатто эсламаганман ҳам. Бир куни шу домла тушимга кирибди. Бу ҳолга ҳайрон бўлдим. Қаёқдан у одам тушимга кириб юрибди, деб жуда ажабландим. Шу куни эртасига Хоразмдан синглим келди. У Йўлдошев билан бир институтда ишларди.

Сени келишинг экан-да, йўқ жойдан Тўлқин ака тушимга кириб юрибди десам, «Ҳеч нарса эшитмадингизми? Уч кун бўлди уни ўғли ўлдириб қўйди»,- деди.

Астағфирулло, қодири эгам куч-қудратинг олдида тавба қиламан,-дедим ёқамни ушлаб.

Гулсара ИСМОИЛОВА

АВВАЛО ОТА-ОНА ЎРНАК БЎЛСИН

«Оила ва жамият» ўгитномаси

Назаримда, биз ота-оналар фарзандларимизни ундай қил, бундай қил деб ҳарчанд уриб-сўкиб тарбияламайлик, бу етарли сабоқ бўлмаса керак. Аввало, ота-она мулоҳаза билан муомалада бўлиб, ўзи ўрнак кўрсата олиши керак.

Ёшлигимда кенжа қиз бўлганлигим боисми, кўп аразлардим дастурхон бошида. Шунда (жойлари жаннатда бўлсин) онам овқат маҳали мени асло дастурхонга чақирмас, ака-опаларим чорласалар: "Кел дема, емаса емасин",-дердилар. Ўшанда мен: "Онам мени қанчалар ёмон кўрар экан",-деб кечаси билан йиғлаб чиқар эдим. Лекин оч ётсам-да, бир бурда нон олиб ейишга ғуруриим йўл қўймас эди. Энди билсам, онагинам ҳам мен оч ётганимга раҳмлари келар экан-у, "Қиз бола, эртага келин бўлса ҳам аразламасин, мени тутган йўлим унга бир умр сабоқ бўлсин", дея мени овқатга чорламас эканлар. Келин бўлганимга 17 йил бўлибди-ки, ҳали бирор марта аразлаганимни билмайман.

9-10 ёшлардаги қизалоқ эдим. Опам қўшни қишлоққа келин бўлиб тушган. Онам ҳафта, ўн кунда бориб турар, мен ҳам дарров эргашардим. Бир куни ўша қишлоқ дўконидан 2 банка томат олиб келдик. Нархи 1 сўму 15 тийин. Қўшни янгам томатни кўрди-ю: "Опа, бу галги борганингизда менгаям икки банка томат олиб келинг",-деб қолди. Бу галги борганимизда икки банка томатни опчиқиб бердим. Қўшни янга менга икки банка томатни пулини "онангизга беринг",-деб бердилар. Мен ўзимча "икки сўмни онамга бераман, ўттиз тийинга эса вафли олиб ейман",-дебман-у, вафли олибман охирини ўйламай.

Кечки пайт янгам бизникига ниманидир сўраб кирди-да: "Опа, кенжадан томатни пулини бериб юборган эдим олдингизми",-деб қолди. Шунда онам: "Ҳа олдим, икки сўм бериб юборган экансиз",- деди. Янгам эса: "Икки сўм-у ўттиз тийин берувдим" деди. Иккалалари ҳам менга бирданига "ялт" этиб қарашганида мен жуда уялиб кетгандим. Онам билан қўшни янгам аллақачонлар раҳматли бўлиб кетишган бўлсалар-да, ўша қарашлари ҳалиям таъқиб этаётгандек кўз олдимда ҳамон.

Шундан бери қарийб ўттиз йилки, бировнинг нинасини-да олганим йўқ.

Шунинг учун доимо ўзимча ўйлаб юраман, ота-оналар фарзандини уриб-сўкиб тарбия қилганларидан кўра, бир қараш, ё бир имо билан, гоҳида ўзини тутиб, ибрат бўла оладиган бирор қилиғи, ҳаракати билан тарбия берсалар, нур устига аъло нур бўлармиди.

Яқинда нон пишириб ўтирсам, кичик ўғлим келиб, акасини қўшни аёл қувлаб юрганини ҳовлиқиб айтиб қолди. Олдимда бир дугонам ҳам бор эди. "Ўғлимни нега қувар экан",-деб чиқсам, ноним куйиб кетади. Нима бўлсаям эътибор бермасликка ҳаракат қилдим. Бирор соатлардан кейин дугонам кетмоқчи бўлди. Уни кузатиб чиқдим. Шунда бояги ўғлимни қувлаб юрган келинчак келиб, арз қила кетди. Мен: "Эшитдим келин, ўғлим Мақсудни қувлабсизми-ей, урибсизми-ей", -дедим. Мақсуд ҳам ўша ерда ўйнаб юрган эди. Келинчак ўғлимни чақирди. Табиийки ўғлим нари қочди. Мен: "Ке ўғлим, келавер",-дедим. Ўғлим келди. Шунда бояги аёл нима қилди денг. Бир қўли билан ўғлимни ушлади-ю, бир қўли билан юзига шундай тарсаки туширди-ки, эсласам ҳалиям ғазабга тўлиб кетаман. Қўлидан маҳкам ушладим. Билмадим, агар дугонам: "Ўзингни бос",-демаганида мен ҳам ўғлимни урган келинчакни қулочкашлаб урган бўлармидим.

Кечки пайт, овқат қилишим кераклиги учунми яна газхонага қайтдим. Янги ошни сабзи-пиёзини бостириб, гуручни тераётган эдим, кимдир дарвозамни тақиллатди. Чиқсам, бояги келинчак бир боласини қўлида ушлаб турибди. "Янга кечиринг мени, мана болам, сиз ҳам бир тарсаки туширинг, шунда тинч бўламан",- дейди.

Ё, алҳазар, у бировни боласини онаси кўз олдида урса-ю, боласи айбдор бўлса. Мен: "Йўқ, келинпошша, болангизни уриб аҳмоқ бўлдимми, унда нима айб",- дедим.

Кечиримни мендан сўрама, мана шу норасида ўғлимдан сўра-чи, энди сенинг бир умрга тарсакингни унута олармикан, виждонингга ҳавола дедим. Ҳа, муҳтарам юртдошлар, болалар тарбиясида чуқур мулоҳаза билан иш олиб бормасак, болаларимизнинг мурғак ва зийрак қалблари оғрийди. Буни унутмоққа асло ҳаққимиз йўқ.

Сафия УЗОҚОВА

Шаҳрисабз

МЕҲНАТ БАХТ КЕЛТИРАВЕРСИН!

"Матбуот тарқатиш уюшмаси" акционерлик жамияти ходимлари журналистларнинг меҳнати маҳсули бўлган газета-журналларни ўз вақтида халққа етказиб бериш учун туну-кун ишлашади. Зеро, энг тезкор газета хабарларини мухлислар ўз вақтида ўқишлари учун жамоамизнинг хизмати бекиёсдир.

Бугун ана шундай масъул вазифани бажарувчи, ўз касбининг фидойиси бўлган **Ўткир ака АКБАРОВ** 63 ёшини қарши олмоқда. Ўткир ака умрининг 37 йилини шу ерда ўтказди. Шу ерда ҳалол меҳнат қилиб касбдошлари орасида обрў-эътибор топди.

Ҳозир ҳам ўз ҳамкасблари сафида меҳнат қилаётган Ўткир акани туғилган кунлари ва 63 ёшлари билан қутлаймиз. Соғ-саломат бўлиб, фарзандларининг, набираларининг ва ҳалол меҳнатининг роҳатини кўриб юришларини тилаймиз.

"МТУ" АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

"АЛЛЕРГОГАСТ-СЕРВИС" СИЗНИ ДАВОЛАЙДИ!

Нафас, ошқозон-ичак ва терининг аллергик дермитозлари, поллинозлар, дори ва овқат аллергияси, зардоб касаллиги (эмлашдан кейин), ҳашаротлар чаққандаги аллергик хасталиклар, артрит ва полиартритлар, ошқозон ва 12 бармоқ ичак яралари, гастритлар, энтероколитлар, жигар, ўт йўллари ва ошқозон ости бези касалликларини ҳамда тез-тез касалланадиган нимжон болаларни даволайди.

Касалликни аниқлашда ва даволашда уй-рўзғор, эпидермал, овқат, ўсимлик чанглари ҳамда бошқа аллергенларни қўйиб синаш усули кенг қўлланилади.

Медицина фанлари доктори, профессор Эргаш Салимов бошчилигида малакали шифокорлар дорисиз, махсус усулда, гармонсиз даволаш амалларини бажарадилар.

МАНЗИЛ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. 27-, 35-, 46- 53-, 126-автобуслар, 7-, 8-, 16-трамвайларнинг "1-шаҳар шифохонаси" бекати. Телефонлар: 42-56-50, 49-43-33.

"ЗУККО"фирмаси ўқув маркази сизларни энг замонавий касбларга ўргатадиган турли ўқишларга таклиф этади

2 ОЙЛИК:
Торт тайёрлаш - бир ойга 3000 сўм;
Сартарошлик - бир ойга 3000 сўм;
Массаж - бир ойга 3000 сўм;
Уй ҳамшираси - бир ойга 3000 сўм;
Косметология - бир ойга 3000 сўм;
Замонавий усулларда "Элита" пардалари ва чойшаблар тикиш - бир ойга 3000 сўм.

3 ОЙЛИК:
Араб тили - бир ойга 5000 сўм;
Инглиз тили - бир ойга 3000 сўм;
Телерадиомагнитофон тузатиш - бир ойга 3000 сўм;
Акушерлик - бир ойга 4000 сўм;
Бухгалтерия - бир ойга 3000 сўм. 1С (Компьютер билан бирга.)
Бичиш-тикиш - 3000 сўм.

Телефон: 42-36-71

Ўқиш ҳафтада икки марта. Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади.

Манзилимиз: метронинг "Тинчлик"бекати. "Азиза Сайфи қизи" ателесининг ичида, "АДИДАС" дўкони ёнида.

"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ курсларга қабул қилади:

Бу ерда сизга, Бурдадаги энг сўнгги модалар асосида осон ва тез мукаммал бичиб-тикишни ўрганиб олишингизда сизга малакали дизайнерлар ўз иш соҳасини уста мутахассислари холисона ёрдам берадилар.

2-ойлик
Торт ва салат (Европа усулида, бурда бўйича).
Массаж (ёш болалар ва катталар учун).
Эркаклар костюм шими.
Аёллар костюм, плаш, пальтоси.
Косметология (амалиёт билан).

3-ойлик
Бичиш-тикиш (сиз хоҳлаган фасонда).
Акушерлик (амалиёт билан).
Сартарошлик (амалиёт билан).
Парда-покривал (замонавий Элита усулида).
Инглиз тили (бошловчи давом эттирувчилар учун).

Диққат! ХОЛИС-УМИД фирмаси тезкор махсус кичик гуруҳларга (3-4 кишидан иборат) қабул эълон қилади ва ўқитади, бунда сиз ҳар куни 1 ой давомида фирмани ҳар бир курсини умумий ўзлаштирасиз. Битирганларга диплом берилади.

1-МАНЗИЛ: «Халқлар Дўстлиги» метроси. Олмазор массиви, 14-уй, 126-хона, 6-йўлак. 2-МАНЗИЛ: «Буюк ипак йўли» метроси бекати. Зеленьский кўчаси, 12-уй. Тел: 47-09-52, 45-98-96, 162-98-81, 162-30-84.

"ХАДИЧА САЁҲАТ" ФИРМАСИ ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

3-ОЙЛИК
Бичиш ва тикиш (3-6 ой).
Инглиз, араб, рус, ўзбек, француз, немис тили. Бухгалтерия.
Қандолатчилик. Сартарошлик.
Зардўзлик. Ошпазлик. Эркаклар костюм-шими бичиш, тикиш (2 ой).

Тўлов накд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Тел: 98-71-98

Массаж (2 ой).
Уй ҳамшираси.
Болалар касалликларини муолажа қилиш ва олдини олиш (6 ой).
(Ўқишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади.)

Манзил: Янгиобод даҳаси. "Янгиобод" кинотеатри биноси.

Тел: 98-71-98

«ДИЛОРОМ» ўқув маркази таклиф этади

2 ойлик
1. Компьютер билимлари.
2. Замонавий бухгалтерия ҳисоби.
3. Зардўзлик - Бухороча.
4. Тикиш-бичиш, моделлаштириш. (енгил ва устки кийимлар).
5. Замонавий пардалар тикиш.

3 ойлик
1. Компьютерда бухгалтерия ҳисоби.
2. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун).
3. Тикиш-бичиш моделлаштириш (енгил ва устки кийимлар).

Манзил: Абай кўчаси, 4 "А"-уй, 1-қават, 114-хона. Мўлжал "Алишер Навоий" метро бекати.

Тел: 144-03-25, 23-84-15

"КАМОЛОТ-KOMPYUTER" БИЗНЕС МАКТАБИ
Қуйидаги ўқув курсларига таклиф қилади.

Бир ойлик курсларга:
1С: Бухгалтерия дастури билан ишлаш таълими; Видео операторлари курси; INTERNETга ўқитиш.

Икки ойлик курсларга:
Замонавий бухгалтерия ҳисоби;
Банк иши; Компьютерда ишлаш таълими (WINDOS 95, MS OFFISE 97, ЭЛЕКТРОН ПОЧТА); Дастурлаш тиллари; Сартарошлик курси; Профессионал фотографлар.

Уч ойлик курсларга:
Ҳисобчилар, компьютер таълими билан бирга; Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун); Компьютер билимлари; Банк иши ва компьютер.

Тел: 41-33-96, 58-48-50

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади.
Манзилимиз: Тошкент. Навоий кўчаси-9, «Пищепром» лойиҳа институти биносининг 4-қавати. (ТРАСТБАНКнинг ёнида.)

«ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ» БАХТ КЕЛТИРСИН

Юнусобод туманидаги "Юлдузча" номли 366 болалар боғчаси энг намунали тарбия масканларидан. Мавлуда Дўстмуҳамедова мудиралик қилаётган бу боғчадаги шароит ҳавас қилгудек. Меҳрибон тарбиячи Х. Тўлаганова, энага Р. Турсунхўжаева, қўли ширин ошпаз Ф. Собировадан биз бувижонлару буважонлар, ота-оналар ҳам хурсандмиз. Болаларимиз ҳам боғча опалари ҳам соғ, бахтли бўлишсин.

Гулчеҳра ТОШХЎЖАЕВА

ЯХШИ БИР ҚИЗ БИЛАН ТАНИШСАМ...

Инсон ҳаётида баъзан ўзи тасаввур қилмаган воқеалар ҳам рўй бераркан. Мен ҳам шундай вазиятга тушаман деб сира ўйламагандим...

Мен синфнинг энг аълочи ўқувчиси эдим. Келишган қадди-қоматим, иқтидоримдан мағрурланардим. Ҳеч кимни менсимас, ўзимни кўкдаги Чўлпон юлдуздек танҳо сезардим. Қанчадан-қанча қизларнинг севги розларини инкор этиб, устларидан кулардим. Дунёқарашим умуман бошқача эди. Аълочи бўлганимдан кейин, менга лойиқ қиз ҳам аълочи, гўзал бўлиши керак деб ўйлардим. Дилномаларини очган қизлар эса бу талабларимни ярмигагина жавоб беришарди. Мен эса... ўзимга ҳаддан ортиқ ишонганимдан баъзида чиройли қизлар билан танишиб, бир-икки жойга олиб бориб, кўнглини олардим. Мени севиб қолганини сезгач, уни ташлаб кетардим. Назаримда, ўша маҳалда мендан бахтли, мендек зўр йигит йўқ эди... Мактабни олтин медалга тамомлаб, энг нуфузли олий ўқув юртига ўқишга кирдим. У ерда қунт билан ўқиб, тезда факултетнинг аълочи талабасига айландим. 3-курсдан бошлаб эса аъло ўқиганлигим учун имтиёзли стипендия ола бошладим.

Ҳамма менга ҳавас билан қарарди. Бу мени янада мағрурлантириб юборди. Тамоман ўзига бино қўйган йигитга айландим. Кўп нарсани осонликча қўлга киритганим учунми, ҳаётим ҳамиша мана шундай енгил кечади дея тасаввур қилардим. Афсуски, энг катта кўргуликлар олдинда экан!

Хуллас, учинчи курсга ўтганимдан сўнг ота-онам мени уйлантириш ҳаракатига тушиб қолишди. Мен яна қизларни турли баҳоналар билан синай бошладим. Бир сўз билан айтганда, унисини "у", бунисини "бу" дея, учрашувга чиққан қизларнинг ҳар биридан албатта камчилик топардим.

Ёшим йигирма бешга чиқди. Нуфузли бир ташкилотга ишга кирдим. Энди уйдагилар: "Кўз остингга олганинг бўлса, айт, бўлмаса ўзимиз топамиз",-дея жиддий талаб қўйишди. Учрашувларнинг бирида бир қизни ёқтириб қолдим. Анча вақт гаплашиб юрдик. Бу қиз барча талабларимга жавоб берарди. Аммо, негадир у тўйимизни чўзиб юрарди. Кунларни бирида у дабдурустдан: "Мен сизга турмушга чиқа олмайман, чунки йигитим бор", - деди. Ҳайрон бўлиб: "Ахир шунча пайт бирга юриб, нега индамадингиз", - дедим. У эса: "Йигитим билан уришиб қолгандик. Мен унга: "Ҳали кўрасиз, сиздан зўрини ҳам топишим мумкин", - дегандим. Сиз билан юришимнинг сабаби ҳам шу эди. У бизни кўриб қолиб, рашк қилиб олдимга ялиниб келди. Биз яна топишиб кетдик. Хафа бўлманг, сизга ҳам насиб қилгани бордир",-дедию кулиб қўйди. Ўзимни ҳақоратлангандай сезиб: "Ҳали бу ишингизга пушаймон ейсиз! Хоҳласам, бир ойга қолмай уйланаман, мана кўрасиз!", - дедим.

Бу орада уйдагилар бошқа бир қизни тавсия қилишди. Уни аввал ҳам кўргандим, аммо менга ёқмаганди. Чунки, у мактабни бир амаллаб битириб, танишлари орқали институтга кирган эди. Хуллас, мен айтганимдек бир ойга қолмай икки томон келишиб, нон синдиришди. Қаҳратон қишда тўйим бўлди. "Жаҳл келса, ақл кетади", деб бежиз айтишмаган экан. Бургага аччиқ қилибман-у, билмай бахтимни бой бериб қўйибман.... Хотинимни борабора ёмон кўриб қолдим. Унинг ҳар бир хатти-ҳаракати менда нафрат уйғотарди. Кўча-кўйда, ишхонамда бахтли кўринсам-да, аслида чин маънода бахтсиз эдим. Уни сираям кўргим келмасди. Уни муомаласи қўпол, ҳеч қандай уй ишини билмасди. Бунинг устига қўли ҳам бебарака эди. Унга уйланганимдан кейин ишларим буткул орқага кета бошлади. Ана шундай пайтларда мени севган, муҳаббат изҳор қилган қизлар кўз олдимдан бирма-бир ўта бошлайди.

Хотинимни тарбиялаш учун қилмаган ишим қолмади. Ўрнимни алоҳида қилганимдан кейин, айниқса унинг: "Қани, кўрамиз, қачонгача шундай юраркансиз", - деган гаплари ҳаммасидан ҳам ўтиб кетарди. Бунақа яшагандан кўра яшамаган яхши деб, унга ажралиш ҳақида сўз очдим. У ҳам шуни кутиб тургандек, шунақанги жанжал кўтарди-ки... Кейин уни яна тўғри йўлга солмоқчи бўлдим. Ҳадислардан ўқиб бердим, Қуръон оятларидан хабардор қилдим. Аммо унга булар кор қилмади. "Ёмон хотин бўлсам мен дўзахга тушаман, сиз эмас-ку?!", - деди. Дўзахдан қўрқмаган хотин, эридан қўрқармиди деган хаёлга бориб, энди бутунлай алоҳида яшай бошладим. Шу зайлда орадан олти ой ўтди. Биз бир-биримизга ғирт бегона эдик. Болаликдан бирга ўсган дўстларим, синфдошларим билан тез-тез кўришиб турардик. Уларга мени жуда-жуда ҳавасим келиб, ичимдан зил кетардим. Бир маҳаллар мактабда менга ҳавас билан боқадиган синфдошларимга энди мен ошкора ҳавас билан боқардим! Ахир улар оилали, ёнларида яхши кўрган хотинлари, фарзандлари бор, мен эса... Бу орада ўртадаги муносабатимиздан қайнонам ҳам хабар топибди. "Нега бундай қиласиз?", - деб мени уришди. Бир-биримизни ёмон кўришимизни айтдим. Шундай қилиб ажралиш ҳақида ариза бердик.

Ишонасизми-йўқми, хотиним билан ажралгандан сўнг шунақанги енгил тортдим. Аслида инсон оиласи бузилганидан хафа бўлиши керак, мен эса хурсанд бўлдим. Балки, ишонмассизлар, лекин мен ростдан ҳам хурсанд бўлдим. Сабаби, ҳаётимни қайтадан бошлаш имконияти туғилганидан севиндим. Кейин эса ўз-ўзимга сўз бериб, янги орзулар илинжида яшай бошладим.

Азизлар, энди ҳеч кимга аччиқ қилиб уйланмайман, кимгадир ниманидир исботламайман. Кўнглимга ёққан қизга уйланаман. Шунақанги бахтли ҳаёт кечирай-ки... Аммо энг аввало ёшликда билиб-билмай қилган барча хатоларим учун тавба қиламан. Бир вақтлар билиб-билмай мен дилини оғритган қизлар кечиришса, бас! Оила қурмоқлик ҳаётдаги энг масъулиятли вазифалардан бири экан. Буни энди бутун вужудим билан ҳис қилдим. "Сутдан оғзи куйган - қатиқни ҳам пуфлаб ичади!", - деган мақол бор. Мен бир бора ўзим ёқтирмаган қизни олиб қўйдим, энди эҳтиёт бўламан. Лекин, Оллоҳдан бир нарсани сўрайман. Илоҳим, мени тушунадиган қиз учрасин! Оилам, уйим-жойим дейдиган қизни Оллоҳни ўзи йўлиқтирсин! Мени бу мактубни ёзишимдан мақсад, уйланмаган йигитлар ўзларига хулоса чиқаришсин, ён-атрофларида яхши қизлар бўлса, улардан камчилик қидирмасин, камситишмасин! Яхши қизларнинг қадрига етишсин! Яхши қизлар эса ҳаётда жуда кўп. Мен эса мени тушуна оладиган яхши бир қиз билан танишиш ниятида бу мактубни ёздим. Ажаб эмаски, бахтимни топишимга мактубим сабабчи бўлса...

КУЙГАН ЮРАК

Дил паҳори

КАМЧИЛИГИМ ЙЎҚ, ЛЕКИН...

Мен "Оила ва жамият"нинг ҳар бир сонини севиб ўқиб бораман. Ёшим 21 да. Оилада 4 фарзандмиз. Мен иккинчи фарзандман.

Олийгоҳда сиртқи бўлимда ўқийман. Нуфузли давлат идораларининг бирида ишлайман. (Ота-онам ўқимишли инсон бўлишгани сабабли, менга ўқиш ва ишлаш учун барча шароитни яратиб беришган). Ўқишда ҳам, ишда ҳам ўзимга яраша ҳурматим бор. Илтимос, хатимни ўқиб ҳаётдан норози экан, деб ўйламанглар. Худога шукр, ҳамма нарсам етарли. Фақат одамларнинг гаплари мени эзиб ташлаяпти. Қаерга борсам, кимни кўрсам, ҳамма: "Тўйинг қачон бўлади, чиройлиман деб танлайверасанми ёки миллионерни ўғлига тегмоқчимисан",-дея гапиравершади. Кўплар йигити бор деб ўйлашади.

Тўғри, мақтаниш эмас. Худо берган чиройим бор, қадди-қоматим келишган. Ҳеч қандай камчилигим йўқ. Дугоналарим менга ҳавас қилишади. Мени билганларнинг кўпи менга: "Бизга ҳам Худо сендек қиз берсин ёки сенга ўхшаган қизлардан келин қилайлик",-деб ният қилишади. Бу гаплардан хурсанд бўламан. Аммо, яна кимларнидир: "Қачон тўйинг бўлади?",-деган гапларини эшитиб сиқиламан. (Ичимда вақти-соати билан бўлар деб ўйлайман. Менга эртами-кечми, фарқи йўқ, фақат бахтли бўлсам бас). Барибир пешонамга ёзилган вақтида бўлади. Лекин одамлар буни тушунишни хоҳлашмайди. Мен бир нарсага ҳайрон бўламан. Нега одамлар ҳадеб гапиравершади, уларга ёмонлигим тегмаётган бўлса, кўнглига оғир ботади-ю, деб ўйлашмайди.

Мактабни битираётган вақтимда кўп йигитлар кетимдан юрарди. Шунда синфдош қизларим: "Сен бизларни ичимизда биринчи бўлиб турмушга чиқасан, чунки чиройлисан, харидоринг ҳам кўп",-дейишарди. Мен ҳам вақтли турмушга чиқиб кетсам керак деб ўйлардим.

Севиб, ёқтириб турмуш қурганларни кўрсам, ҳавасим келади. Мен ҳам ёқтириб (фақат ота-онамни розилиги билан) турмуш қуришни хоҳлайман. Мени ҳам бунга ҳаққим борку. Ёқмаган одамга турмушга чиқолмайман-ку. Ҳеч қандай айбим бўлмаса. Ёки айбим ёшим катта бўлиб қолаётганлигидами?

Ёши тўғри келмаганлар эса кейин нимагадир йўқ бўлиб кетади. (Нимагалигини билмадиму, кўпинча кетимдан жуда ҳам бой оиладан чиққан болалар юради). Кейин эшитишимча, (мен ўртача оиладан чиққанлигим сабабли) онаси мени келин қилишни хоҳлашмас экан. Қизлари ёқди-ю, фақат оиласи бизга тўғри келмайди дейишар экан. Нима, айбим ўртача оиладан чиққанимдами? Мен бир нарсага ҳайрон қоламан, нега одамлар ҳамма нарсани бойлик билан ўлчашади? Ахир қиз болани бойлиги ҳеч қачон юқмайди-ку! Наҳот одамлар буни тушунишни хоҳлашмаса!

Тўғрисини айтсам, бойликка қизиқмайман. Шунинг учун ўртача оилага тушишни хоҳлайман. Кўпларнинг айтиши бўйича, менга ўртача оиладан чиққан болалар гапиришга ёки онасини юборишга қўрқар экан. Мени жуда ҳам бой деб ўйлашар экан. Нимага шунақа деб ўйлашади, дея мен ҳайрон бўламан.

Яна шуниси етмагандай, кўплар мени димоғдор деб ўйлашар экан. Негадир тўйларда ёки туғилган кунларда болалар билан дарҳол чиқишиб кетолмайман. Болалар билан бўлар-бўлмасга гаплашавермайман. Енгилтабиат қизларни ёқтирмайман. Балки, шунинг учун ҳам кўплар мени димоғдор деб ўйлашса керак. Тавба, қизиқ- а. Болалар билан гаплашмасанг айбдор бўласан. Одамлар ҳатто шуни ҳам гапиришади, ҳатто димоғдорга чиқариб қўйишади). Ҳаётда ҳеч қачон ўзинг хоҳлаган тарзда яшолмас экансан.

Ҳамма тўйинг қачон бўлади, деган сари сиқилиб кетаман. Негадир тез-тез касал бўлиб қолаяпман. Бу ҳолдан уйимдагилар ҳам ҳайрон бўлишади. Кўплар ойимга: "Қизингизни йўлини кўролмайдиган одамлар ёпиб қўйишган,шунинг учун ҳам тўйи бўлмай, борган сари озиб кетаяпти",-дейишади. Менга ҳам: "Кимдир сени иссиқ-совуқ қилиб қўйган, ёки қаттиқ кўз теккан, балки бирон-бир нарса ичириб қўйган бўлиши ҳам мумкин",-дейишади. Бу нарса тўғри ёки йўқми, билмайман. Ишонишга ҳам, ишонмасликка ҳам ҳайронман. Кўпинча йиғлаб ўтираман. Нега, нима учун шунақа бўлади, деб ўйлайман.

Олдинлари ўзимга қараб, кийиниб юрардим. Энди мен учун ўзимга қарашни ҳам, кийинишни ҳам қизиғи қолмаяпти. Ҳатто, шуни ҳам гапиришни бошлашаяпти. "Нима бўлди, нега ўзингга қарамай кўяяпсан, олдинлари бунақа эмасдинг-ку",-деяверишади.

Авволлари қизлар билан концертларга тушиб турардим. Туғилган кунларга боришни яхши кўрардим. Энди эса ҳаётни қизиғи қолмаяпти. Борган сари ҳеч кимга қўшилгим келмай қолаяпти. Гап-сўзлардан чарчаб кетдим.

Бир нарсага шукр қиламан. Кўпларни ота-онаси ёши ўтган сари чиқиштирмай қўйишади. Бунақа ҳолларни кўп эшитганман. Худога шукр, ота-онам мени тушунишади. Илтимос. Фақат бу гапларни турмушга чиқмаётгани учун ёзаяпти, деб ўйламанглар. Фақат одамларни гапи жонимга тегиб кетганидан ёзаяпман.

Илтимос, менга маслаҳат беринглар, нима қилсам ана шундай тушкун кайфиятдан қутуламан?

НАРГИЗА

Тошкент шаҳри

ҲАССАНИНГ ТОПИЛИШИ

Бу воқеани йўлда довон ошиб юртимга (Фарғона вилоятининг Ўзбекистон туманига) кетаётганимда қўшни Бешариқ туман, Қашқар қишлоқлик уста Ҳасан ака сўзлаб берди. У бу воқеани Шоҳимардонда бир кекса отахондан эшитган экан.

"Бундан 40 йилча муқаддам Тожикистоннинг Варрух қишлоғида бир чўпон яшар экан. У кунларнинг бирида қўй боқиб юриб, озгина мизғиб қолибди. Туриб қараса қўйлар тоғ чўққисига ўрлаб чиқиб кетган эмиш. 60 ёшли отахон инқиллаб, зўрға минг машаққат билан чўққига чиқиб борибди. Унинг ажойиб бир ҳассаси бор экан. Ҳассанинг ичи ғовак, дастаси ва учидаги озгина жойи темирдан ишланган бўлиб очилиб-ёпиларкан. Отахон эрмак учун унинг ичига 10, 15, 20 тийинлик тангаларни тўлдириб териб чиққан, юрганда ҳассадан ажойиб бир овоз чиқиб тураркан. Отахон чарчабди, қараса қўйларни қайтариш мушкул, қолаверса қоронғу тушаётганмиш. У ҳассани бошидан айлантириб зарб билан қўйларга улоқтирибди. Ҳасса тошдан-тошга тегиб, ўт чақнатиб учиб кетибди. Хуркак қўйлар дарҳол ортга қайтибди. Отахон бўлса, ҳассани ахтариб яна юқорига чиқишга мажбур бўлибди. Чўққига чиқиб не кўз билан кўрсинки, чўққининг у ёғи тик қиялик бўлиб, тубида бир кўл оқариб кўринаётган экан. Ҳасса ана шу кўлга тушиб кетибди. Отахон афсусланибди, нега десангиз унинг ичида анчагина пул бор экан да...

Ажойиб-гаройиб

Қолаверса, ҳассаси доимо уни жонига оро кираркан. Хуллас, отахон уриниб-суриниб чўққидан тушибди. Уйига қўйларни ҳайдаб келибди. Орадан йиллар ўтибди. Отахон баъзида ҳассасини эслаб, бир хўрсиниб қўяркан. Бу воқеага 10 йил тўлибди-ю, бир куни 70 ёшли отахон тақдир тақозоси ила Ўзбекистонга Шоҳимардон пиримнинг зиёратига келибди. Зиёрат чоғида чойхоналардан бирига кириб (у пайтларда чойхоналарда сўри ўрнига лой супаларда ўтирилар экан) супага ўтирибди. Чойхоначига чой, нон, пашмак буюрибди. Чойхоначи нарсаларни олиб келиб берибди. Отахон чой ичиб, ўйланиб ўтирса... бир пайт ёши етмишлардан ошган ўзбек отахони чойхонага кириб келибди. У сал букчайиб қолгани учун ҳассага суянib юраркан. Ҳассасини супа четидаги чиноргa суяб қўйиб, тожик отахонни ёнига чиқиб ўтирибди. У ҳам чой, нон, ширинлик буюрибди. Чойхоначи айтилган нарсаларни олиб келибди. Меҳмон қараса ҳасса айнан у 10 йил олдин Варрухда йўқотган ҳасса эмиш... Уни ҳайратдан оғзи очилиб қолибди. Ахир Тожикистоннинг чекка бир қишлоғида йўқолган ҳасса қандай қилиб шоҳимардонлик чолнинг қўлига тушиб қолиши мумкин? У ўйлаб ўйига етолмабди. Сўрашга ийманибди. Хуллас, гапдангап чиқибди-ю, икки отахон танишиб олишибди. Меҳмонни мезбон уйига таклиф этибди. Отахон учун бу айни муддао эмасми, шунинг учун дарров рози бўла қолибди. Меҳмондорчилик уч кун давом этибди. Тожик отахон ҳар гал ҳассани кўрди дегунча гап очмоқчи бўлар экану, лекин ийманиб сўрай олмас экан. Охири у уйига қайтадиган бўлибди ва юз истиҳола билан сўз бошлабди: "Акахон, кечирасизу, мен сиздан уч кундан бери бир нарсани сўрамоқчиману, лекин андиша қилаётибман!"- дебди. Мезбон: "Эй меҳмон, ажойиб инсон экансизда ўзингиз, ахир бемалол сўрай бермайсизми",- дея кулибди. Унинг юзида зоҳир бўлган самимийлик отахонга далда берибди чоғи, у секин салмоқлаб гап бошлабди.

- Шу десангиз ака, мен бир пайтлар чўпон эдим. Бир ҳассам бўларди, ўзи жуда ажойиб эди. Уч кун бурун ўша ҳассани сизни қўлингизда кўрдиму лол қолдим. Ахир бу ҳассани мен устага айтиб ичи ғовак нарсадан ясаттирган эдим-да. Учидаги темир ва темир дастаси очиларди. Ичига мен эрмак учун 10,15,20 тийинлик тангаларни бир қатор қилиб териб чиққан эдим. Анча пул бор эди. Агар ижозат берсангиз, шу ҳассангизни бир кўрсам",- дебди. Отахон ҳайратдан қотиб қолибди. Ва: "Эй укахон, мен бу ҳассани 10 йил олдин Кўли Қуббондан топиб келгандим. Сув юзасида сузиб юрган ва қирғоққа яқин келиб қолган экан. Шунча йил олиб юриб уни ичида нима борлиги билан қизиқиб кўрмабман ҳам. Юрсам доим "шиқир-шиқир" қилар эди. Мен: "Қум тўлиб қолган бўлса керак, бу қуми ҳеч тўкилмасмикин?", деб ўйлардим. Мана, ҳозир олиб келайчи, текшириб кўя қоламиз, дебди-да ҳассани олиб келиб меҳмоннинг қўлига тутқазибди. Меҳмон уринибсуриниб ҳассани дастасини айлантириб очибди-ю, дастурхонни бир четини қайириб, шолчага бир талай тангаларни тўкибди. Дарҳақиқат, 10, 15, 20 тийинлик тангалар атрофга сочилиб кетибди. Икки отахон карахт аҳволда бир-бирларига бир неча сония сўзсиз тикилиб қолишибди. Ахир, бу не тилсим, не мўъжизаки Варрухдаги кўлга тушиб йўқолган ҳасса Шоҳимардондаги Кўли Қуббондан топилса... Ниҳоят биринчи бўлиб меҳмон сўз бошлабди.

- Мана, акахон мени сўзим исботланди. Мен бу ҳассани 10 йил олдин йўқотгандим, ниҳоят топдим. Энди гап мундоқ, шу ҳасса мендан сизга эсталик бўла қолсин, мана бу пуллар ҳам сизники олинг!,- деб пулларни тўплаб мезбонга тутибди. Воқеани бу тахлит якунланишини кутмаган мезбон эсанкираб қолибди. Ўзига келгач эса:

- Эй, йўқ, меҳмон бу ҳасса сизники, пулни ҳам олинг, мени хафа қилманг, сизга буюрган экан!,- дебди. Меҳмон мезбонни ҳурмати учун пулни олибди-ю, лекин ҳассани олмабди.

- Акахон, сиз мендан 5-6 ёш катта экансиз, олинг ҳасса сизга мендан эсдалик бўлсин, ҳар замонда мени ёд этиб турсангиз бўлгани!,- деб ўз юртига қайтиб кетибди. Ҳасса бўлса отахонда қолибди. Бу тилсимли воқеани тинглар эканман, "Балки тоғ остида, ер тагида икки ўлкадаги кўлни ўзаро боғловчи сув ости йўли бордир?", дея ўйланиб қолдим. Нима бўлганда ҳам бу Аллоҳнинг бир мўъжизаси деган хулосага келдим.

Эркинжон ХАЁНБОЙ ўғли

УНИ УМИД БИЛАН КУТАЙМИ?

Боши ўтган сонларда

Ойим эса ўша кийимларни бошқачароғини ҳайдовчимиз билан уйларига олиб борганида Содиқнинг ойиси худди ўзиникидай кийимларни беришимизни талаб қилибди. Ва буюмларни қайтариб юборибди. Шунда ойим бозордан худди ўшанақа кийимларни сотиб олиб берди. Шундан кейин Содиқнинг онаси тинчиб кетди. Лекин менинг улардан бутунлай кўнглим қолиб кетди. Содиқнинг ўзидан ҳам ранжидиму лекин барибир уни ич-ичимдан, юрагимдан севар эдим. Шундай қилиб Содиқ билан икки тарафга ажрашиб кетдик. Агар мен Содиқ ҳақида ота-онамга гап очадиган бўлсам: "Сени севгинг қўлнинг кири бўлган пулга, арзимас кийимларга ўтмади-ку",- деб менга таъна-дашномлар қилишар эди. Мен эса аста-секин, кундан-кунга гулдай сўла бошладим. Гоҳида кўчага чиқиб Содиқни кутар эдим. Лекин бефойда. Содиқни мен байрамларда оиламиз билан сайр қилиб айланиб юрганимизда кўрардим. У мени кўрди дегунча узоқдан олдимдан чиқиб қараб турарди. Биз кўз қарашларимиз билан бир-биримизга соғинчимизни билдирардик. Содиқ онда-сонда кўчамизга келарди. Кейинроқ телефон қиладиган бўлди. Лекин менга қанча қийин бўлмасин унга энди орамиз очиқлигини айтар эдим. Чунки дадамга сўз бергандим, қолаверса мени қаттиқ кўркитгандилар. Кунлардан бир кун Содиқнинг ўртоқларини кўчада кўриб қолдим. Улар Содиқ ичиб юрганини, ота-онаси билан жанжаллашиб уйдан чиқиб кетганини, ҳаммаси мен туфайли бўлаётганини айтдилар. Мен эса ажрашганимиздан кейин Содиқ шу аҳволга тушганидан жуда ҳам хавотирландим. Бир куни иш билан бозорга тушдим. Бозор эшигида Содиқ турган экан. Орқамга қайтаётувдим, у мени кўриб қолди-да, изимдан чопиб келди. Мени қўлимдан тортиб четга олиб ўтди-да, қаттиқ қучоқлаб олди. Кўзлари эса жиққа ёш эди. Унга менсиз ҳаётнинг қизиғи йўқлигини, адои тамом бўлаётганини зорланиб айтди ва ташлаб кетмаслигимни илтимос қилди. Яна узоқларга қочиб кетишимизни, ўғил туғиб беришимни, ана шундан кейин бизни ҳеч ким ажрата олмаслигини айтди. Мен эса ўзимни қўлга олиб онасининг ножўя ишларини айтдим. У ота-онасининг бу ишлардан қайтаришга қанчалик уринмасин, уддасидан сира чиқолмаганини айтди. Шундан кейин Содиқ ота-онаси билан уришиб уйдан чиқиб кетган экан. Биз иккаламиз ўшанда анча гаплашиб ўтирдик ва ҳаммасига қўл силтаб пинҳона учрашиб юрдик. Буни ҳеч ким билмасди. Билганда катта жанжал бўлиши аниқ эди. Буни сирдошим Ўғилой билиб қолди ва менинг эҳтиёт бўлишимни уқтирди. Ўшанда менданда бахтлироқ одам йўқ эди. Лекин Худо бахтимни кўп кўрдими, Содиқ уч кун йўқ бўлиб кетди. Ўртоғидан сўрасам, аввалига айтмади. Кейин: "Содиқ уч кун бўлди, қамалиб қолди",- деди. Мени рангим оқариб, бошим айланиб кетди. Нима учун қамалганлигини сўрасам: "Биров билан гапи қочиб урганди, шунинг учун. Лекин сиз хавотир олманг, тезда чиқиб келади", - деб қўяқолди. Мен эса у билан 9 ойлик айрилиқдан кейин эндигина учраша бошлагандим. Бир куни Содиқнинг ўртоғини олдига яна бордим. У Содиқдан хат олганлигини айтди ва хатни менга берди. Уйга келиб хатни ўқисам, Содиқ ўртоғидан қамоқхонага мени олиб боришини сўраган, агарда мен бормасам М. исмли қизни олиб келишини сўраган. Мени нахотки Содиқ хиёнат қилган бўлса, бўлмаса нима учун мен билан ярашиб олди, деган савол ўйлантирарди. Балки қариндошидир, ёки танишидир деган мулоҳаза эса тинчлантирарди мени. Шу хаёлда ўтирганимда телефонимиз жиринглаб қолди. Гўшакни кўтарсам, синфдош дугонам Д. экан. У менга коллежда ўқиётганини айтди ва Содиқдан гап очди. "Менда хафа бўлмагину Содиқ бизнинг гуруҳимиздаги (худди хатда ёзилган қизнинг исми) М. билан "юради",- деб айтса бўладими! Аввалига Д.нинг гапларига ишонмадим. Мен Содиқнинг ўртоғи И.га қўнғироқ қилиб хатдаги М. исмли қиз ким эканлигини сўрадим. И. эса: "Сизлар ҳар хил ёлғонларга, иғволарга ишонманг, у сизни севади, ҳар сафар қамоққа борганимда сизни севишини қайта-қайта айтади",- деди. Мен эса яна И.дан Содиқ нима учун қамалганлигини, кимни урганлигини сўрадим. У: "Мени бошимни қотирманг, илтимос. Содиқ чиқиб келгандан сўнг М. исмли қиз ким, нима учун қамалганлигини ўзи сизга тушунтириб беради",- деди-да телефон гўшагини қўйиб қўйди. Кунлар ўтди. Мен кунларни, ойларни санаб Содиқнинг қамоқдан чиқишини кутар эдим. Охири тоқатим тоқ бўлиб Содиқни изидан қамоқхонага бормоқчи бўлдим, лекин сирдошим Ўғилой: "У ерларга борма, дадангни танишлари кўриб қолади. Илтимос, шу фикрингдан қайт",- деб маслаҳат берди. Мен Содиқнинг олдига бормадим.

О, муҳаббат

Давоми бор

Оила ва жамият

Мақолада келтирилган фактлар, воқеалар, маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб қилинмайди.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 133-04-35
Котибият, хатлар: 34-25-46
Тарбиклар, эълонлар: 133-04-50

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент - 700000 Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.35
Босишга топширилди - 20.00

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - { якка обуначилар учун 176; ташкилотлар учун 177

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 2026
Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда.
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ.
Нашр учун масъул муҳаррир – Б. САЙЙИДАЛИЕВА.
Навбатчи - М. СОДИҚОВ.